O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2006 йил, **12** май, жума № **19** (2146).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **12** мая, **2006** год, № **19** (2146).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Ғурурли, мард ёшларимиз буюк тарихни яратган аждодларнинг ворислари сифатида «Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдираяпман?» деган тушунча ва интилишни онгу шуурига жойлаб яшаши шарт.

Ислом КАРИМОВ

ИНСОН ХОТИРАСИ – МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ

9 май – Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган ушбу умумхалқ байрами мамлакатимизда кенг нишонланди.



Мустақилликнинг йилларида бу кун том маънода инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида мужассам этган муҳим тарихий санага айланди.

Ушбу байрам бу гал Ҳомийлар ва шифокорлар йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва Қадрлаш – инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Ҳомийлик, саховат ва ҳиммат, меҳр ва мурувват фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шафқат-шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги нишонланаётган шу кунларда юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни алоҳида эътибор билан байрам қилинаётгани теран маънога эга. Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб-жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тунни тонгга улаб меҳнат қилган, ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳридарё ватандошларимиз матонати ва фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди.

Инсон халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт. Айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, қадрламоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш ва эъзозлаш, оғир жангу жадалларни бошдан кечирган, ярадор бўлиб қайтган кексаларимизни, фронт ортида машаққатли меҳнати билан ғалабага ҳисса қўшган инсонлар, айниқса, оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш ва муносиб тақдирлаш миллий қадриятларимиз қаторидан кенг ўрин олгани қувончли.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 4 майдаги Фармонига мувофиқ Хотира ва Қадрлаш куни, шунингдек, 1941–1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг пул билан мукофотланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намойишидир.

(Давоми 2-бетда).

МЫ В ВЕЧНОМ ДОЛГУ ПЕРЕД ВАМИ



Много праздников на Земле. И они дороги каждому из нас. Но в этой череде праздников особое место занимает 9 мая – День Памяти и почестей.

... 9 мая. Центральный Дом офицеров. С раннего утра здесь звучали мелодии военных лет, радостными улыбками светились лица убеленных сединами ветеранов войны 1941–1945 годов, участников трудового фронта и, конечно, было огромное количество цветов, которые вручались виновникам торжества.

Здесь Министр обороны Республики Узбекистан Р.Мирзаев по случаю всенародного праздника – Дня Памяти и почестей, объявленного по инициативе Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами нашей страны И. Каримовым, провел встречу с группой участников Второй мировой войны. В своем выступлении Министр обороны подчеркнул важность этого торжественного мероприятия, важность того, что мы не вправе забывать подвиги и заслуги своих дедов и отцов. Затем каждому из приглашенных были вручены цветы, денежное вознаграждение, Памятный знак Министра обороны и фляжка.

– Мы благодарны нынешнему поколению, которое нас помнит и чтит, – с волнением от имени ветеранов говорили генерал-лейтенант в отставке Собир Ахунжанов, капитан в отставке Сагит Салихбоев, старшины в отставке Василий Лысов и Леонид Залогин.

– Хотелось бы особо поблагодарить за богатую концертную программу Центральный ансамбль песни и танца Вооруженных Сил, – выразили свою признательность народные артисты страны Холида Зарипова и Яйра Абдуллаева.

Волнующим был этот день и для подполковников Х.Абдувалиева, И.Назарова, М.Нарметова, Ф.Рустамова и В. Савченко. В торжественной обстановке здесь же во время праздника был зачитан Приказ Министра обороны о присвоении им очередного воинского звания полковник и вручены погоны.

Много теплых поздравительных слов было высказано в адрес участников Второй мировой войны. И каждый военнослужащий нынешнего поколения уверен в душе, что воины-узбекистанцы весь свой высокий профессиональный потенциал направят на безупречное и преданное служение Родине.

Майор Хайриддин ЗАЙНИЛОВ.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

МИЛЛАТ ДОНИШМАНДЛИГИ РАМЗИ

Маънавиятимиз илдизлари жуда чуқур. Бой миллий қадриятларга, бебаҳо маънавий меросга эгамиз. Миллий истиқлол ғоясининг тарихий негизлари халқимиз оғзаки ижодидан ҳам озиқланишини яхши биламиз. Унинг қирралари эса кенг, ранг-баранг. Таъкидлаш жоизки, маънавиятимизнинг шаклланишида халқ оғзаки ижоди намунаси бўлмиш аскиянинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Келинг, шу ўринда аския санъати, унинг тарихи, маънавиятимиз шаклланишидаги ўрни борасида фикрлашиб олайлик.

Аския арабча «закий» деган сўздан олинган бўлиб, ўткир зеҳнли, ҳозиржавоб деган маънони англатади. Таъкидлаш лозимки, аския ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир тури ҳисобланиб, қоидасига кўра икки ёки ундан ортиқ кишининг, гуруҳнинг халқ йиғинлари, сайиллар, тўй-ҳашамларда маълум мавзу бўйича сўзда тортишуви тушунилади. Аския сўзини эшитгандаёқ ўзбекнинг чеҳрасида кулгу пайдо бўлади. Сўз ўйини, ҳозиржавоблик, қочирим, ҳазил-мутойиба ҳар биримизнинг кўз олдимизга келади.

Ҳаммамиз ҳам аскиянинг тарихи борасида чуқур маълумотга эга эмасмиз. Шунинг учун «Ўзбек халқ томоша санъати» китоби мисолида бу борада бироз тўхталсак.

Аския ўзбек халқи орасида кўп асрлардан бери мавжуд бўлиб, унинг дастлабки шакли уруғчилик даврида пайдо бўлгани ҳақида тарихий маълумотлар бор. Алоҳида жанр сифатида эса мазкур санъат асосан ўн бешинчи асрдан эътиборан шакллана бошлаган.

(Давоми 7-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



ФАРЗАНДЛАР БАХТ-ИҚБОЛИН КЎЗЛАБ

Президентимиз Ислом Каримовнинг шундай гаплари бор: «Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди».

Бу фикрларни бежиз келтириб ўтмаяпмиз. Дарҳақиқат, эртамиз давомчилари борасида ўйлаш, улар тақдири хусусида бош қотириш, уларнинг соғлом, баркамол бўлиб етишишлари учун тиним билмаслик миллий хусусиятларимиздан жой олган. Айниқса, бугунги замонда, танлаган йўлимизга кўз олайтирувчилар, турли ёт ғоялари билан бизни, айниқса, ёшларимизни ўзларига бўйсундириб олмоқчи бўлаётган ғаламислар мавжуд бўлган бир шароитда эртамиз ҳақида қайғурмасдан бўларканми?! Ахир, биз бошлаган эзгу ишларни фарзандлар давом эттириши, порлоқ келажак сари дадил бориши, кимларнинг авлодлари эканликларини унутмасликлари, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмай мағрур юришлари учун ҳам келажак авлод камоли энг долзарб масала-да. Шу ўринда фикрларимизни давом эттирган ҳолда республикамизда Юртбошимиз ташаббуси билан болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборга назар ташласак.

(Давоми 7-бетда).

Муштарийларимизга

ТИНЧЛИК, ФАРОВОН ҲАЁТ, ТАРАҚҚИЁТ УЧУН

Шукрлар бўлсинки, биз эркин, озод, ҳур Ватанда яшаяпмиз.

Шукрлар бўлсинки, гўзал диёримизда тинчлик, осойишталик ҳукмрон.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «**Башарият ўз тарихида уруш ҳеч қачон ҳеч кимга енгиллик, ёруғлик олиб келмаганига қайта-қайта гувоҳ бўлганига қарамай, Ер юзида урушни хоҳловчилар камаймаётгани ачинарлидир**».

Демак, шундай экан, ҳар биримиз доимо огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишимиз зарур. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт ва тараққиёт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз шарт.

Огоҳлик, сергаклик ва ҳушёрлик – Ватан ҳимоячисининг энг муҳим қуролидир.

Тинчлик ўз-ўзидан бўлмайди, тинчлик учун курашмоқ зарур.

Фаровонлик ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, бунинг учун фидокорона меҳнат қилмоқ даркор.

Тараққиёт – бунёдкорлик, эзгу ишлар бор жойда бўлади.

Бир сўз билан айтганда, тинчлик, фаровонлик, тараққиёт учун курашмоқ зарур.

Буни Ватанимиз ҳимоячилари, ёшларимиз теран англаб, ўз фаолиятларини ана шу асосда ташкил этишаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Биздан келгуси авлодларга обод, озод Ватан қолгусидир!

ТАҲРИРИЯТ

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!



ХОРАЗМНИНГ ФИДОЙИ ТАРИХЧИСИ

Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битикларидан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн мингдан асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади.

Ислом Каримов.

Ўзбек давлатчилиги тарихи, асос ва омилларини билиш ҳамда уни мукаммал ва холисона ёритишда маҳаллий тарихчиларимиз томонидан ёзиб қолдирилган бирламчи қўлёзма манбалар илмий жамоатчилик томонидан доимо қадрлаб келинган. Шундай бўлишига қарамасдан, Истиқлолга қадар кўпгина муаллифларнинг асарларн турли сабаблар билан етарлича илмий истифодага олиб киритилмади ва уларнинг ҳаёти ҳамда ёзиб қолдирган асарлари тўғрисида оз сонли мутахассисларгина хабардор бўлиб келди. Ана шундай тарихчилардан бири Хива хони Сайид Муҳаммадхоннинг фарзанди Сайид Ҳомид тўрадир.

(Давоми 7-бетда).



3 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ШУНДАЙ КУНЛАР БОР БЎЛСИН!



4 СЕРЖАНТЛАР – АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

ЯНГИ КЛУБ ОЧИЛДИ



6 «УМИД НИХОЛЛАРИ-2006»

ПРАЗДНИК СПОРТА И ДРУЖБЫ



10 ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

БУВИЖОНИМ, АЯЖОНИМ – ҚАЛБИМ ҚУЁШИ!

ИНСОН ХОТИРАСИ – МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бўлмас экан, қадрлаш ҳам йўқ. Ушбу тушунчалар мустақиллик даври авлоди учун ўзига хос маънавий қадриятга айланди. Илло, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, буюк ғалабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаган ва биз, миннатдор авлодлар бу фидойи юртдошларимизни доимо улуғлаймиз, уларнинг беқиёс матонати ва хотираси олдида ҳурмат билан бош эгамиз.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар кунгидан ҳам гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрган.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган "Хотира китоби"нинг зарҳал варақлари Ватаннинг фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро она қиёфасида изтироб ва умид намоён...

Соат 8.40. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

– Бугун, 9 май – юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни деб ном олган умумхалқ байрами билан барча юртдошларимизни қутлайман, – деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. – Мана шундай улуғ кунда халқимиз шу ёруғ ва фаровон кунларга шукроналар айтиш баробарида, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги учун жангу жадалларда жон олиб-жон берган аждодларимиз хотираси олдида ҳақли равишда бош эгади. Шу билан бирга, бугун ҳаёт, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Ўша пайтда юртимизда қарийб 3,5 миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, улардан тахминан 1,5 миллион нафари урушга сафарбар этилган. Ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун 400 минг нафардан зиёд ватандошимиз уруш майдонларида қурбон бўлган, яна қанчадан-қанча кишиларимиз бедарак кетган.

Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли. Зотан, жанггоҳларда ҳалок бўлган биргина одам ҳам – Инсон. Унинг ҳаёти бемаҳал якун топди, орзу-умидлари рўёбига чиқмай хазон бўлди. Бу йўқотишнинг ортида яна қанчадан-қанча қайғу, ғам-алам, ҳасратлар ётибди. Бева-бечораю етим-есирлар, фарзанди йўлига кўз тикган онаизорнинг умиду надоматлари мужассам шу биргина аччиқ йўқотишнинг замирида...

Шу маънода, бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида сақланиб қолади.

Юртбошимиз бугунги кунда дунёда уруш таҳдиди наинки мавжудлиги, балки бу таҳдид кундан-кунга кучайиб бораётганига ҳам эътиборни қаратди.

– Башарият ўз тарихида уруш ҳеч қачон ҳеч кимга енгиллик, ёруғлик олиб келмаганига қайта-қайта гувоҳ бўлганига қарамай, Ер юзида урушни хоҳловчилар камаймаётгани ачинарлидир, – деди Ислом Каримов. – Афғонистонда 27 йил олдин бошланган урушнинг оқибатлари ҳали ҳам барҳам топгани йўқ, бу юртда ҳалигача тинчлик ва хотиржамлик кузатилмаяпти. Ироқдаги уруш, Эрон атрофида уруш нафасини уфураётган воқелик ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Урушга йўналтирилган бундай ҳаракатлар нега давом этмоқда? Афсуски, бу саволга жавоб топиш мушкул. Зеро, дунё тарихи гувоҳки, урушдан ҳеч қачон на уни бошлаганларнинг муроди ҳосил бўлган ва на уруш домида қолганларга енгиллик келган.

Шундай экан, урушларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун, аввало, жаҳонда, минтақамизда тинчлик ва барқарорликка асосланган бугунги ва эртанги ҳаётни таъмин этиш керак. Бу йўлда ҳар қандай муаммо тинчлик йўли билан, дипломатия орқали ҳал этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Россия билан Иттифоқчилик шартномасини имзолаганимиз, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон каби йирик давлатлар билан дўстона ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш борасидаги келишувларимиз Ўзбекистоннинг тинчлик ва тараққиёт йўлида қўйилган залворли қадамлари эканини халқимиз, аввало, ёшларимиз теран англашлари лозим.

Энг муҳими, ҳар биримиз ҳар доим огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишимиз даркор. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт ва тараққиёт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз зарур, деди Президентимиз.

Бу борада Ўзбекистон ёшларида муайян тушунча ва тасаввур шаклланганини эътироф этар экан, Юртбошимиз ўзининг айрим таклифларини баён қилди:

– Аввало, ёшларимиз тарихни чуқур ўрганишлари лозим, – деди Президентимиз. – Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни кўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичида қолмади, кимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечаги кун кўргуликлари қайтадан бошимизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечаги кунидан тўғри хулоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди.

Айни чоғда, ёшлар нафақат тарихни пухта ўрганиши, балки шу буюк ўтмишимиз билан ғурурланиб яшаши керак. Чунки, бу бизнинг тарихимиз. Амир Темур каби шавкатли аждодларимизнинг, улуғ аллома ва мутафаккир боболаримизнинг шонли ҳаёти лавҳаларидир.

Шуни ҳам унутмайликки, бугунги кишиларга, хусусан, буюк келажагимиз бунёдкорларига фақат тарихимиз билан фахру ғурур этиб яшаш кифоя қилмайди. Ғурурли, мард ёшларимиз буюк тарихни яратган аждодларнинг ворислари сифатида "Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдираяпман?" деган тушунча ва интилишни онгу шуурига жойлаб яшаши шарт. Эришилган ютуқларимизни янада ривожлантириш билан бирга, бошқалардан ўзишга интилмоқ керак. Ана шунда буюк келажагимизни таъмин этган бўламиз. Аслида, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деган даъватнинг мазмун-моҳиятида айни шундай интилиш мужассамдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг энг ёши бугун саксондан ошган. Ўтган йили худди шу санани 33 минг 572 нафар уруш қатнашчиси жойларда биз билан бирга байрам қилганди. Бу галги байрамгача улардан 22 минг 251 киши қолди. Фахрийларимизни тириклигида қадрлайлик, эъзозлайлик. Уруш қатнашчиларининг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.

Ушбу санани Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонлай бошлаганимизга етти йил бўлди, деди Президентимиз пировардида. Ўтган даврда бу айёмни кенг байрам қилиш юртимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар вакиллари учун одат тусига кирди. Шу маънода, ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлашдек ана шу ҳаётий қарашлар эл-юртимизнинг қон-қонига сингиб бораётгани ва бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз умрининг узвий қисмига, барчамиз учун муқаддас қадриятга айлангани катта воқеадир.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБЛАРИ

ДОИМО ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОРДАМИЗ

Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони билан танишиб, руҳланиб кетдим. Негаки, бу Фармон юртимизда инсон қадри, қиммати юксак эканлигининг яна бир ёрқин ифодасидир. Гап мукофот ёки нишонда эмас, эътиборда. Яна бир бор таъкидлайман, Фармонни давлатимиз томонидан биз уруш фахрийларига кўрсатилаётган юксак эҳтиром сифатида қабул қилдим.

Биз уруш фахрийлари доимо ҳурмат, эътибордамиз. Ўтганларини хотирлаб турадиган, тирикларини қадрлайдиган юртда фаровонлик ҳукм суриб, келажак порлоқ бўлади.

Биз кексалар халқимизнинг, фарзандларимизнинг доимо ардоғидамиз. Бундайин эътибор, эҳтиромга жимгина қараб туролмаймиз. Тандан мадор, белдан қувват кетган бўлса-да, тадбирларда, тўй-маъракаларда бўладими, фарзандларни, ёшларни мустақил Ўзбекистон тараққиёти йўлида жавлон уришга, истиқболимиз йўлида ёниб яшашга даъват этишимиз мумкин. Биз кўрган кунларни кўрмасликлари учун уларни бугунги тинчлик, осойишталикнинг қадрига етишга, мустақилликни асраб-авайлашга ундашимиз лозим.

Илоҳим юртимиз тинч, халқимиз фаровон бўлиб, Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин.

Болта МУРОДОВ,
Иккинчи жаҳон уруши фахрийси.

БЛАГОДАРИМ ЗА ЗАБОТУ

В независимом Узбекистане стало доброй традицией чествовать ветеранов Второй мировой войны 1941 – 1945 годов накануне Дня Памяти и почестей. Вот и на этот раз нас порадовал Указ Президента нашей страны о поощрении участников Второй мировой войны.

В связи с 61-й годовщиной великой Победы ветераны поощрены единовременным денежным вознаграждением в размере 30000 сумов, что является не только знаком внимания, но и существенной материальной поддержкой.

Вместе с тем, местным органам власти и министерствам, общественным организациям поручено провести встречи с участниками войны, активнее использовать опыт старшего поколения в патриотическом воспитании будущих защитников Родины. Мы очень признательны руководству страны за проявленную заботу, которую ощущаем на себе постоянно.

В ответ на эту заботу нам хочется заверить, что и впредь ветераны будут прилагать все силы для активного участия в патриотическом воспитании подрастающего поколения, в общественной жизни страны.

Исакул БЕКМУРАДОВ,
участник Второй мировой войны.

ҲАМИША ҚАДРЛАЙЛИК

«Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир» дейдилар. Дарҳақиқат, ўз тарихи, ўтмиши, бой маънавий мероси, аждодлари, маданиятидан яхши хабардор бўлиш, миллий қадриятлар ва урф-одатларни эъзозлаб, ҳурмат қилиш орқалигина ўзликни англаш, сақлаш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам ҳукуматимиз, давлатимиз раҳбари томонидан бунга катта эътибор берилмоқда. Биз каби меҳнат ва уруш фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрлик, турли кўринишдаги ёрдам, рағбатлантиришлар қаторида айниқса мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни, деб эълон қилиниши хайрли ишларнинг даставвали бўлди.

Тилагим, шу она замин, муқаддас тупроқ учун жон берган, унинг равнақи ва ривожи йўлида ҳаловат билмаган ватандошларимиз, замондошларимизни ёд этайлик, улар орзу қилган, олий мақсади бўлган озодлик, мустақиллик, мана шу тинчлигимизни ҳамиша қадрлайлик.

Назармат, шоир,
уруш ва меҳнат фахрийси.

СПАСИБО ЗА ВНИМАНИЕ

С каждым годом, к сожалению, участников и инвалидов Второй мировой войны становится все меньше и меньше. Время, конечно же, берет свое. Отдавая должное их мужеству и героизму, надо признать, что в то неспокойное время ни один из юношей-узбекистанцев не дрогнул: они выбрали фронт!

Пройдя фронтовыми дорогами, я вернулся в родной Узбекистан. Работал, встретил свою вторую половину Мухаббат, вместе вырастили и воспитали четырех сыновей и дочь. Сегодня у нас семь внуков и две внучки, три правнучки. Одним словом, жизнь сложилась очень удачно, за что очень благодарен судьбе. Но царапины той ужасной войны, масштабы которой трудно представить в мирное время, на сердце дают знать о себе и сегодня. Ведь многие мои друзья-однополчане с войны не вернулись.

Вышедший в свет Указ Президента Узбекистана «О поощрении участников Второй мировой войны», в связи с проведением 9 мая всенародного праздника – Дня Памяти и почестей, а также 61-й годовщиной Победы над фашизмом, является свидетельством заботы и знаком глубокого уважения к нам. Мы это чувствуем, спасибо за внимание!

Адхам ГИЯСОВ, участник войны.

ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб, биз фахрийларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан беҳад хурсанд бўлдик. Мен уруш йилларида Украина, Харьков ва Минск шаҳарларини озод қилишда қатнашиб, кўплаб орден ва медалларга сазовор бўлганман. Тинч қурилиш йилларида Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманига қарашли «Кўкбулоқ», Д.Йўлдошев номли хўжаликларга раҳбарлик қилдим, давлатга мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердик. Ҳукуматимиз меҳнатларимни муносиб тақдирлашди. Нафақага чиққанимдан кейин ҳам давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳолимдан хабар олиб туришибди, турли учрашув, байрам ва тантаналарга таклиф этишади. Ёшларга доим тинчликни, мустақилликни қадрига етинглар, дея насиҳат қиламиз. Бир неча йил олдин ҳаж сафарига ҳам бориб келдим. Яқинда 80 ёшга тўлдим. Ҳозир ҳам қўлимдан келганча одамларга яхшилик қилишга ҳаракат қилмоқдаман.

Ўзим истиқомат қилаётган маҳаллада, А.Темур номидаги 25-умумтаълим мактабида тўққиз неварам таълим-тарбия олаётганлиги сабабли ҳар йили мактабнинг битта синф хонасини ўз ҳисобимда таъмирлаб бераяпман. Меҳнат фахрийларидан Абдурайим Жонибеков ва Нишон Қораевлар ҳам таъмирлаш ишларига баҳоли қудрат ёрдам беришяпти. Жамиятимиз учун наф келтиришни шарафли бурчим деб биламан.

Баҳром ҳожи НУРУЛЛАЕВ.

Мудофаа вазирлигида

ҚИШКИ ЎҚУВ МАВСУМИ ЯКУНЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАР

Шу йилнинг 5 майида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида **«Масъулиятли ва юксак малакага эга бўлиш, Ватанни ишончли ҳимоя қилиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи!»** шиори остида ўтказилаётган ўқув йилининг қишки ўқув мавсуми машғулотлари якунларига бағишланган Ҳарбий кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгаш ишини Мудофаа вазири Р. Мирзаев бошқарди ва нутқ сўзлади.

Кенгашда таъкидланишича, қишки ўқув мавсуми давомида Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида, ўқув юрти ва муассасаларида шахсий таркибнинг жанговар шайлигини ошириш, касбий маҳоратини юксалтириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир ҳарбий хизматчининг ҳарбий санъатини мукаммал эгаллаши, касбий маҳоратини ошириши, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида ўтказилган ҳар бир машқ, ҳар бир машғулот ўз ижобий самарасини берган. Бу эришилган натижаларда ўз ифодасини топган. Ютуқлар билан бир қаторда айрим хато ва камчиликлар ҳам мавжудлиги аниқланган. Уларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрсатилди.

Кенгашда ёзги ўқув мавсумида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Мудофаа вазирининг буйруғига биноан қишки ўқув мавсумида юқори кўрсатгичга эришган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар эсдалик совғаси ва пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз.

Военкоры сообщают

СРАЗУ ВОСЕМЬ ПЯТЕРОК!

На недавней контрольной проверке за учебный период в подразделении, где служит старший лейтенант Муроджон Кучкаров, сразу восемь военнослужащих срочной службы получили отличные оценки на экзамене по общественно-политической подготовке.


Представители проверочной комиссии, проверяя выполненные тестовые задания, с удовлетворением отметили высокий уровень подготовки подразделения. Среди удостоившихся отличных оценок прозвучали фамилии рядовых Асрора Рузикулова, Фазлиддина Ёвкочдиева, Рашида Худайкулова, Самата Бердиева, Ильхома Турдиева и других военнослужащих.

В эти дни отличники боевой учебы тщательно готовятся к началу летней боевой учебы, чтобы закрепить достигнутый успех.

Рядовой Тулкин ЮЛДАШЕВ,
Восточный военный округ.

КЎНГИЛЛИ УЧРАШУВ

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан жойларда турли кеча ва учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирни Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан Қуролли Кучлар Марказий музейи ҳамкорликда уюштирдилар.



Ҳарбий лицей тарбияланувчилари, аскарлар, сержантлар, офицерлар, олий ўқув юртлари талабалари Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлишиб, бу ерда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар – Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мадамин ҳожи Ҳасанов, фалсафа фанлари доктори, профессор Қўчқор Хоназаров, Владимир Дидяков, Николай Хуршудовлар билан учрашдилар.

Биз тилга олиб ўтган бу инсонларнинг юриш-туришларида, бўй-бастларига йиллар ўз ҳукмини ўтказган, албатта. Аммо шуниси диққатга сазоворки, уларнинг ҳар бири мамлакатимиз тараққиёти учун у ёки бу соҳада ҳамон ғайрат-шижоат билан фаолият юритмоқдалар.

Биргина Коммуна опа Исмоилова ҳақида гапирганимизда қарийб етмиш йилга яқин жўшқин фаолият, улар билан боғлиқ тарих, тарихий шахслар кўз олдимизда гавдаланади. Юқорида айтганимдек, опага йиллар ўз кучини кўрсатган. Аммо тиниқ, жарангдор овоз ҳамон мафтункор, она юрт, юртдошларга чексиз ҳурмат, меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим қалб ҳамон сертафт.

Ардоқли санъаткоримиз ижросидаги «Жангчилар хотирасига», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонидан «Ўғлима ўхшайди овозинг санинг» қўшиқлари янграганда тингловчилар олқишидан зал ларзага келди.

– Уруш деган сўзнинг ўзиёқ совуқ шамол каби кишига таъсир қилади, – дейди Мадамин ҳожи Ҳасанов. – Даҳшатли муҳорабанинг тамом бўлганига олтмиш йилдан зиёд вақт ўтди. Унинг дардли оғриқ тўла асоратлари оналар, болалар, аёллар қалбига узоқ йиллар ўз таъсирини қолдирди. У кунлар даҳшатини биз кўрдик, фарзандларимиз кўришмасин. Шукрки, она Ўзбекистонни озод ва обод кўриш бахти бизга ҳам насиб этди. Юртимизда биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнунмиз. 9 май умумхалқ байрами муносабати билан Юртбошимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони эса шу юксак эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мадамин Ҳасанов айни кунларда ҳам жўшқин фаолият билан банд. У пойтахт «Нуроний» оқсоқоллар кенгаши етакчиларидан, «Экосан» халқаро ташкилоти, «Нуроний» кенгаши раиси вазифасида хизмат қилмоқда.

Профессор Қўчқор Хоназаровнинг топқир миллатдошларимизга бағишланган уруш хотираларини барча жон қулоғи билан тинглади. Бу инсон ҳозирда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ёшларга сабоқ бермоқда.

Фахрийларни капитан Нурилло Обидов ўз сафдошлари, тарбияланувчи Арслон Есемурадов тенгдошлари номидан муборакбод этишди. Фахрли меҳмонларга Ўзбекистон тарихи давлат музейининг эсдалик совғаларини музей директори Жаннат Исмаилова тантанали тарзда топширди.

– Бу учрашув ниҳоятда қизиқарли, сермазмун бўлди, – дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашади тарбияланувчи Улуғбек Якубов. – Фахрийларимизнинг шу ёшда ҳам қизғин фаолият билан банд эканликлари, қувноқ ва дилкаш суҳбатлари даврага файз бағишлаётганини кўриб, уларга нисбатан ҳавасим, ҳурматим янада ошди.

– Фахрийлар деярли ҳаммалари ўз сўзларида улар сафи йилдан-йилга камайиб бораётганини айтиб ўтдилар, – дея ўртоғининг фикрларига қўшимча қилди яна бир тарбияланувчи Бобур Қосимов. – Бу сўзлар ҳаммамизни ҳушёр торттириши лозим. Улар эътиборимизга, ардоғимизга ҳақли бўлган ҳурматли инсонлардир.

Учрашувга йиғилганлар Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг чиқишларини қизғин завқ-шавқ билан кутиб олдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимовнинг бетакрор овозига гулдурос олқишлар жўр бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, учрашув файзли ва кўнгилли ўтди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Тимур КАРИМОВ суратга олган.

УЛУҒЛАР ЁДИ

Ўтган 2005 йил менга йигирманчи юз йиллик олтмишинчи йилларининг ўрталарини эслатди. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки айнан ўша йилларда ўзбек адабиёти ва фани оғир жудоликларни бошидан кечирди. 1966 йили Ғафур Ғулом, бир йилдан сўнг Мақсуд Шайхзода, 1968 йили эса Ойбек ҳамда Абдулла Қаҳҳор сингари халқимизнинг забардаст ижодкорлари тўсатдан бирин-кетин вафот этишган бўлишса, ўтган йили академиклар Матёқуб Қўшжонов ва Ботир Валихўжаев, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Шукур Холмирзаев ва Неъмат Аминов, машҳур адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов каби йирик алломалар бу фоний дунёни тарк этишди. Албатта, шу мухтасаргина мақолада бу инсонларнинг ҳаёт йўллари ва ижодий фаолиятлари ҳақида батафсил тўхталиш имконияти йўқ. Муддаом – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бу улуғларни яна бир бор эслаш.

Халқимизда буюк шахслар ё баланд тоғлар бағрида, ё дашти биёбонда ва ёки азим шаҳарда туғилиб вояга етади, деган гап бор. Улуғ инсонлар ҳаётини кузатсангиз, бу ўгитнинг нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев фусункор Бойсун тоғлари бағрида туғилиб вояга етди. Кейинчалик тақдир тақозоси билан пойтахтда яшаган даврларида ҳам болалиги ўтган жойларни соғиниб яшади. Академик Матёқуб Қўшжонов Амударёнинг қуйи оқими чап соҳилидаги Тошҳовуз музофотида ўсиб улғайди. Унинг нафақат болалиги, балки умрининг кейинги даврлари ҳам енгил кечмаган. Аллома ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган «Дийдор» китобини ўзининг умр йўлларига бағишлаган эди. Машҳур адабиётшунос Озод Шарофиддинов Тошкент шаҳрида туғилиб, вояга етди. «Ижодни англаш бахти» китобида олим ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлига нигоҳ ташлайди ва ижодий фаолиятини сарҳисоб қилади. Ботир Валихўжаев ҳамда Неъмат Аминовлар эса азалдан Шарқнинг фан ва маданият ўчоқлари бўлган қадимий шаҳарлар Самарқанд ва Бухорода камол топишди.

Инсоннинг ёши бир жойга боргач, истайдими ёки йўқми, босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақидаги хотиралар асирига айланиб қолар экан. Кексаларга хос бўлган донолик ва бир қадар ўзгаларга панд-насиҳат қилишга мойилликни шу ҳолат билан изоҳлаш мумкиндир, балким. Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарофиддиновлар маълум маънода ўз ҳаётларининг сарҳисобига бағишланган асарларини ёзишга улгуришди. Шукур Холмирзаев анча эрта – 65 ёшида вафот этганиданми, хотиралар ёзишга улгурмади. Неъмат Аминовнинг отасига бағишланган «Бир аср ҳикояти» китобини эса маълум маънода ёзувчининг таржимаи ҳоли дейиш мумкин. Ўзбек шарқшунослик фанига муносиб ҳисса қўшган олим Ботир Валихўжаев яратган китоблар ва мақолаларда унинг умр йўли ҳам ўз ифодасини топган. Улар ҳаммаси ҳаётликлари вақтидаёқ мамлакатимиздаги мавжуд энг юксак расмий унвон ва мукофотларни олишга, энг муҳими халқимизнинг меҳрини қозонишга улгуришди.

Мен бу улуғ инсонларнинг ҳеч бири билан бевосита учрашмаган бўлсамда, лекин уларнинг қаламига мансуб бўлган деярли ҳамма асарларни ўқиганман, десам муболаға бўлмас. Бундан ташқари уларнинг ҳаёт ва ижод фаолиятларига бағишланган манбаларни, шунингдек, уларни вояга етказган ижодий-ва ижтимоий муҳитни ўрганишга бажону дил интилдим. Бу ижодкорларнинг ҳар бири инсон сифатида алоҳида феъл-атворга эга бўлганликлари табиий, албатта. Бироқ назаримда, уларни бир-бирларидан фарқловчи сифатлардан ҳам кўра улар учун умумий бўлган жиҳатлар кўпроқ. Энг асосий ва умумий жиҳат шундан иборатки, уларнинг барчаси ўзбек адабиёти, фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган ижодкорлар эди. Ҳақиқатга ва ўз эътиқодига содиқ қолиш хислати яна бир умумлаштирувчи мезон бўла олади. Қолаверса, бу алломалар ҳаётларининг сўнгги кунларигача ижод қилишдан ва тафаккур юритишдан тўхташмади. Ва ниҳоят, жамият ва давлат ҳаётига дахлдор бўлган ҳар бир муаммога ўз муносабатларини билдириш, ўзгалар тақдирига лоқайд бўлмаслик улар учун ҳаёт аъмолига айланган эди. Мен улардаги эътиқодга содиқликни бекорга таъкидламадим. Мамлакатимизнинг сиёсий мустақилликка эришганлигини зўр шоду хуррамлик билан кутиб олган Озод Шарофиддинов ўзининг «Мен нега эътиқодимни ўзгартирдим?» номли машҳур мақоласини ёзди. Бу улуғ олимнинг ўзига хос иқрорномаси эди. У ҳеч нарсадан тап тортмасдан ўзи йўл қўйган хато ва камчиликларни баён этар экан, «фақат марҳумлар ва тентакларгина эътиқодларини ўзгартирмайдилар», деган азалий ҳақиқатни янгидан кашф қилади. Ҳеч бир инсон ўз замонасидан ва ўзи мансуб бўлган жамият муҳитидан холи бўлолмайди. Биргина инсон тақдири ва руҳиятида замон ҳамда ижтимоий, шунингдек, табиий мақомга хос унсурлар зуҳр этади. Зотан, ҳаёт диалектикаси шунақа.

Яқинда матбуотда академик Матёқуб Қўшжоновнинг «Армонларим» номли хотиралари эълон қилинди. Уни ўқир экансиз, қувонч ва изтироблар гирдобидаги биргина инсон умри ўзининг бутун тафсилотлари билан кўз олдингизда намоён бўлади. Инсоннинг ижтимоий ва интеллектуал мавқеи қанчалик юксак бўлса, унинг қалбидаги армон юки ҳам шунчалар оғир бўлар экан-да! Бир кам дунё деб шуни айтсалар керак!

Матёқуб домла билан боғлиқ бир кичкинагина воқеа мен учун ҳам армон бўлиб қолди. Бир юмуш билан Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтига бордим. Институт биносида жойлашган кичкинагина китоб дўконидан эндигина нашрдан чиққан «Дийдор» китобини харид қилдим. Ишларимни тугатиб, институт биносидан чиқишим билан ўзи тенги киши ҳамроҳлигида муҳим бир муаммо хусусида секин-аста қадам ташлаб, суҳбатлашиб келаётган Қўшжонов домлага кўзим тушди. Табиийки, муаллифнинг ўзидан дастхат олиш имконияти туғилганлигидан хурсанд бўлиб кетдим. Улар яқинлашгач эса, мароқли суҳбатни бўлгим келмадими ёки алломанинг салобатлари босдими, дастхат сўраш тугул салом беришга ҳам ботина олмадим. Суҳбатдошлар ёнимдан мамнун бир қиёфада ўтиб кетишди. Уларнинг нигоҳларидаги самимият ва ҳайрат ҳисси хотирамга ўрнашиб қолди.

Бундай сиймолар ҳар қандай халқ ва миллатни безаши шубҳасиз. Бу яхши инсонлардан улуғ бир «боғ» – солиқ фарзандлар ва шогирдлар, бебаҳо асарлар мерос бўлиб қолди. Назаримда, марҳумлар токи тириклар томонидан эсланар эканлар барҳаётликларича қолаверадилар. Шоир лутф қилганидек,

«...Қайта тиклаш мумкин барчасин,
фақат
Қайта тикланмагай ўчса хотират».

Тоғлар олисдан яна ҳам улуғвор кўринадилар. Дарҳақиқат шундай, бу инсонлар қолдирган илмий ва бадиий мерос ҳали узоқ йиллар давомида жуда кўп авлодларнинг маънавий камол топишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Подполковник
Чори НАСРИДДИНОВ,
Чирчиқ ОТҚМБЮ доценти.

ШУНДАЙ КУНЛАР БОР БЎЛСИН!

Айни кунларда пойтахтнинг энг сўлим ва мафтункор гўшаларидан бири Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан ҳам гавжумдир. Кичкинтойлар, ёшлар, фахрийлар, меҳмонлар бу ерни зиёрат қилмоқдалар.

Миллатимизнинг фахри ва ифтихори бўлган бу майдон ҳақида матбуот ва телевидениеда туркум мақола, кўрсатувлар тайёрланди. Булар ўз навбатида ҳар бир миллатдошимиз қалбида уни бир бор бўлса ҳам кўриш, тавоф қилиш истагини туғдирганлиги табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси Сирғали туман кенгаши амалга оширган тадбир кўплар кўнглини шод этди. Туманда ўттиздан зиёд маҳалла мавжуд. ХДП кенгаши туман «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда маҳаллаларнинг энг фаол кишилари, ҳурматли фахрийларидан бир гуруҳи учун Мустақиллик майдонидаги Хотира мажмуига зиёрат уюштирдилар. Бу ҳақда ХДП туман кенгаши етакчиси Лола Исматова шундай дейди:

– Кўпчилик кексаларимиз, фахрийлар пойтахтда яшасалар-да ҳаммалари ҳам табаррук майдонни келиб кўришлари учун имконлари йўқ. 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ҳар бир қалби уйғоқ юртдошимизни ушбу қадамжо ўзига тортади. Ана шуни ҳисобга олиб, туман маҳаллалари фаоллари, фахрийлари учун ушбу зиёратни ташкиллаштирдик. Яхшиси, бу ҳақда уларнинг ўзлари гапирсин.

Меҳнат фахрийси Зуҳра опа Жалилова «Ёркин ҳаёт» маҳалласининг энг ҳурматли онахонларидан бири:

– Бу ердаги ўзгаришлардан хабардор эдик. Аммо ўз кўзинг билан кўриш, зиёрат қилиш бошқача-да. Майдонда туриб халқимизнинг қўли гул, юксак дидли меъмор, бунёдкор эканлигига чин кўнглимдан қайта-қайта тасаннолар айттим келди. Бу ҳам бўлса, юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг ҳукмронлигидан, Юртбошимизнинг донолик билан узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати туфайлидир.

– Барчамиз учун азиз, қадрли майдоннинг гўзаллигини кўриб, тинчликнинг нақадар тотли неъмат эканлигига амин бўласиз, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қаршибой ота Чамчаров. – Улуғ истиқлол сабаб юртимизда улкан қурилишлар, бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатимиз тараққий этиб, куч-қудрати янада ошиб бормоқда. Биз кекса авлод бундай ривожланишдан беҳад мамнунмиз, кўнглимиз шукроналик туйғуларига тўлиб-тошади. Бу кунларни кўриш ҳаммага ҳам насиб этган эмас.

Зиёратчилар ўтганларни ёд этиб, «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Мустақиллик ва эзгулик монументи пойи ҳам улар келтирган анвойи гулларга тўлди. Зиёрат салқин боғда ширинликлар сийлови билан ниҳояланди.

Инобат НОДИРШОҲОВА.



Комилжон ТУРАЕВ олган.





Туҳфа

ОНА СОҒИНЧИ

Ўғлим сени соғинганда Бухорога учай дейман.
Хатларингни ўқиганда ғойибона қучай дейман.
Хизматларни адо этиб ёруғ юзла келганингда
Болажоним келдингми, деб шодон бағрим очай дейман.
Сен ҳаётим мазмунисан, сен бахтимнинг чин иқболи,
Шунинг учун бўлгин дейман ҳур элингни мард посбони.
Ўз Ватанинг, ўз тупроғинг учун доим бўлгин омон
Душманларга изн берма, юртингга бўл пўлат қўрғон.
Худойимдан тилайман мен дуоларда шому саҳар,
Йўлинг доим ёруғ бўлсин, синовларда қучгил зафар.

Раъно ҲАЙДАРОВА,
аскар онаси.

У МОНУМЕНТА СКОРБЯЩЕЙ МАТЕРИ

Глаз в изваянье не смыкая,
Скорбит, как только может мать –
Сюда мы, головы склоняя,
Идем дань памяти отдать.
И всем нам, к памяти причастным,
Не по себе средь тишины,
Как подступает к горлу спазма
От эха вечного войны...
Тогда и нас она достала
Бедой неслыханной своей, –
И наша Родина послала
На фронт отважных сыновей.
Вернулись многие, а сколько
«Лежать осталось в темноте,
У незнакомого поселка,
На безымянной высоте».

Николай БУРТЫШЕВ.

ВЕРНОСТЬ СЛАВНЫМ ТРАДИЦИЯМ

Центральный совет ОСО «Ватанпарвар» Республики Узбекистан проводит большую работу по военно-патриотическому воспитанию призывной и допризывной молодежи. Ведь юноши, вступающие в большую жизнь, должны обладать высокой идейной убежденностью, иметь устойчивые общественно-политические, моральные и психологические качества.

– Прочная общественно-политическая закалка, – говорит заместитель председателя ЦС ОСО «Ватанпарвар» Шухрат Жураев, – глубокое осознание долга защитника Родины являются тем духовным фундаментом, на котором зиждется формирование умелого и смелого воина. И он в дальнейшем всем сердцем принимает требования, которые предъявляются к нему в связи с задачами, решаемыми нашими Вооруженными Силами.

В предпраздничные дни в областных центрах, городах и районах республики широкое распространение получили тематические вечера молодежи, уроки мужества, лектории. Читались лекции и доклады, проводились интересные встречи с ветеранами войны 1941–1945гг., Вооруженных Сил и труда. Такие встречи и беседы способствуют формированию у будущих воинов чувства патриотизма, гордости за нашу Родину, долга и ответственности перед народом.

Памятники и обелиски возвышаются во многих городах и районах республики. Это священные места не только для тех, кто сражался рядом с погибшими героями, для их родных и близких, но и для тысяч юношей и девушек, верных подвигам старшего поколения, приумножающих их славу. В эти дни сотни и тысячи молодых людей приходили сюда, чтобы почтить героев. Так память о прошлом становится мощным оружием настоящего.

– Да, многие представители узбекского народа показали образцы мужества, стойкости и отваги на полях сражений. Есть яркие страницы подвига и в новейшей истории нашей страны, – констатирует Шухрат Жураев. – Ратные подвиги лучших сынов страны достойно отмечены благодарной Родиной. Наши люди никогда не забудут о них, всегда будут помнить, какие неимоверные трудности пришлось испытать, чтобы жить теперь счастливо и радостно. И хранить эти священные чувства в памяти народа, особенно нашей молодежи, помогает проводимая военно-патриотическая работа.

Центральный совет ОСО «Ватанпарвар» проводит ее в тесном контакте со многими государственными и общественными организациями: с хокимиятами, управлениями и отделами по делам обороны, Общественным движением молодежи «Камолот», фондами «Махалля», «Нуроний», комитетами женщин. Вместе они посещают семьи фронтовиков, родителей воинов, погибших в борьбе с терроризмом, защищая независимость нашей Родины.

Важной формой воспитания любви к армии являются встречи молодежи с воинами, проходящими срочную службу, а также уволенными в резерв. Те, кто служат, и те, кто отслужили, рассказывают призывникам о воинской службе, отвечают на вопросы, дают дельные советы.

Нашей армии нужны физически крепкие, закаленные люди, способные преодолевать различные трудности походной и боевой жизни, выдерживать большие нагрузки. Естественно, свой вклад в развитие физической культуры и спорта вносят и организации «Ватанпарвар».

«Что-то вроде спецназа», – подумал он. Но, разглядев их головы, обвязанные шелковыми зелеными платками, перехваченными в узел на затылке, засомневался в своем выводе. Таких платков, и уж тем более на голове, ни спецназ, ни местные мужчины не носили. В нем нарастало внутреннее напряжение: неужели это боевики, о которых он часто слышал в долине, добрались и до их селения? Он остановился, тихо сняв со спины мешок, и уже налегке, низко пригибаясь, стал бесшумно переходить от камня к камню, сокращая расстояние между собою и идущими впереди незнакомцами.

Лазиз крался за ними до тех пор, пока они не подошли к дому старика и вошли в него. Укрывшись за густым кустарником всего в десятке метров от дома, он решил продолжать наблюдение. Прошло не больше минуты, и неожиданно у дома старика стали собираться женщины их небольшого селения. Каждая из них держала в руках узел. На зов одной из женщин из дома в сопровождении боевика вышел старик и забрал узлы. Сомнений не было, это были боевики. Но сколько их? Надо идти в дом к старику, там все прояснится. Он поднялся с земли, не спеша перекинул за спину карабин и, сделав всего несколько шагов по направлению к дому, остановился. Из распахнувшихся дверей, передергивая на ходу затворы короткоствольных автоматов, выскочили два боевика, криками приказав охотнику лечь на землю. Одно лишнее движение Лазиза – и его изрешетили бы автоматные очереди. Он молча повалился на землю. Подбежавшие боевики сорвали с него карабин и рывком подняли на ноги.

– Это Лазиз. Он вернулся с охоты. Живет в нашем селении. Остановитесь, остановитесь, он свой. У него дети, жена, мать! – кричал подбежавший старик.

– Кто ты и как сумел подойти к дому, никем не замеченным? Только не выворачивайся, я это сам могу с тобою сделать, – спросил и тут же уточнил Ризвон, глядя в глаза охотника.

– Охотник я. Живу в этом селение. Охотился в горах, вернулся и увидел вооруженных людей. Послушайте: я не знаю, кто вы. Я не обязан давать вам отчет в своем селении, здесь мой дом. Кто вы, и что здесь происходит? Как я незаметно подошел к дому? Не знаю, меня никто не останавливал, – Лазиз решил не говорить о том, как он следил за двумя боевиками, но предчувствие беды охватывало его все больше и больше.

– А где твое мясо? – спросил Ризвон.

– Оставил у большого камня. Это там... – но не успел Лазиз поднять руку в указанном направлении, как был сбален на землю ударом в спину.

– Запомни, когда говоришь со мною, не маши руками и ногами, не верти головой, – прокричал Ризвон и бросил стоящему Файзи: – Сходи со стариком за мешком с мясом, проверим, правду ли говорит охотник.

Айдын ГУДАРЗИ.

(Продолжение следует).

Ҳарбий қасамёд – 2006

ВАТАНГА ВА ХАЛҚҚА СОДИҚЛИК ОНТИ



Мамлакатимиз Президенти – Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов томонидан ўтган йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор асосида муддатли ҳарбий хизматни муносиб ўтаб, қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган имтиёзли Тавсияномани олишга муяссар бўлганларга олий ўқув даргоҳига киришда тест синовларида тўпланадиган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшилиши кабилар муболағасиз, ҳарбий хизмат нуфузини янада оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидлаганларидек, **биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топмоқда.**

– Имтиёзли Тавсиянома ҳамма аскарларга ҳам берилавермайди, – дейди офицер Икромжон Ҳикматов. – Бундай Тавсиянома олишга лойиқ топиладиган аскар аввало тартиб-интизомли, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси бўлиши, Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси ва бошқа тегишли бошқарма ва хизматлари томонидан Давлат тест маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тест саволларига талаб даражасида жавоб бериши лозим.

Ҳа, Қуролли Кучларимиз барча ҳарбий қисм ва муассасаларидан конституциявий ва йигитлик бурчини бажарган кўплаб ўғлонлар резервга бўшатилиб, миллий армиямизнинг ишончли ва малакали захирасини ташкил этишди. Улар ўрнини эса норғул, ҳар томонлама етук, мудофаа ишлари бўлим ва бошқармаларида мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтган йигитлар тўлдиришди.

Биз сўз юритаётган жамоа сафига янги қўшилган Беҳзод Ёқубов, Анвар Ғозиев, Улуғбек Айтимбетов, Беҳзод Қаюмов сингари забардаст ва алпқомат ўғлонлар ўтган якшанба куни қўлларида жанговар қурол билан тантанали вазиятда Ватанга, ўз халқига ҳамиша содиқ бўлишга қасамёд қилишди.

– Биз сизларга, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини ишончли ҳимоя қилишингизга ишонамиз, – дейишди ушбу тантанада аскар ота-оналари, – қорақалпоғистонлик истеъфодаги полковник Ғаффор Элмуродов, сурхондарёлик Узоқбой Қаюмов, Адейля Ёқубова ва бошқалар.


Аскар ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантанаси якунлангач, мазкур тадбирда қатнашган Мудофаа вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бошлиғини суҳбатга тортдик. Тиббий хизмат офицери Азамат Акзамов жумладан шундай деди:

– Очиғи, бундан тахминан 10 – 12 йил олдин аскар ҳарбий қисмдан уйига берухсат кетиб қолмасин, деб хавотир олардик. Бугунги кунда бу муаммо батамом бартараф бўлган. Ҳозирги аскарлар мавсумдан мавсумга ўзгариб, кўрган кишининг ҳавасини келтирадиган бўлишаяпти. Қуролли Кучларимиз мана шундай йигитлардан ташкил топар экан, улар ўз Ватани, халқи ва Президентимизга содиқ эканлар, осмонимиз доимо мусаффо, ҳаётимиз осойишта ва фаровон бўлаверади.

Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.

КИЧИК МУТАХАССИСЛАРГА КАТТА ЭЪТИБОР

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 октябрдаги Қарори ҳамда Мудофаа вазирининг 2004 йил 6 ноябрдаги буйруғига асосан Автотрактор техникаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш курси ташкил қилинди.



Жорий йилнинг март ойидан ўз фаолиятини бошлаган мазкур курснинг асосий вазифаси – иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳалари, шунингдек, Қуролли Кучларимизга тайёр кадрлар етказиб беришдир. Хўш, мазкур курсда айнан қандай мутахассисликлар бўйича билимлар берилади? Улар: автотрактор техникалари ҳайдовчилари (АС категорияли), автотрактор техникаларини таъмирлаш механикларидир. Ўқиш муддати беш ой бўлиб, курсга сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар мудофаа ишлари бўлимлари ва туман ҳокимликларининг йўлланмаси билан қабул қилинади. Таъкидлаш жоизки, таҳсил олувчи курсантларнинг тўлақонли билим олишлари учун зарур ўқув ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган ўқув хоналари, автомобиль таъмирлаш ва автотрактор ўқув базасида, ҳайдовчилик майдончаларида барча шароитлар яратилган.

Ушбу курснинг айнан олий ҳарбий билим юрти қошида ташкил этилгани бежиз эмас, албатта. Чунки таҳсил олаётган ёшлар нафақат халқ хўжалиги, балки Қуролли Кучларимиз сафларида ўз мутахассисликлари бўйича фаолият олиб боришни режалаштирган. Демак, айнан малакали ўқитувчи офицерларнинг билим бериши, ҳарбийча ҳаёт тарзи, муҳит уларни келгуси хизматга янада тайёрлаб боради. Масалан, курсантларнинг 70 фоизи ҳозирданоқ ҳарбийликни ихтиёр қилишган.

Бугунги кунда илк курсантлар асосан автотехникаларнинг двигатель қисмларини, транспортларни бошқариш ва йўл ҳаракати қоидалари машғулотларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Курсантларни яшаш шароити ва овқатланиши шахсан олий ҳарбий билим юрти бошлиғининг назоратида. Ётоқхоналар замонавий кроватлар, кутубхона, рангли телевизор, шахмат-шашка, мусиқа асбоблари билан таъминланган. Курсантлар дам олиш кунларини мароқли ўтказиш билан бирга байрам дастурларида ўзларининг ижодий имкониятларини тўла намойиш этяптилар.

Ишонамизки, яқиндагина фаолиятини бошлаган кичик мутахассислар тайёрлаш курси битирувчилари билдирилаётган катта эътиборга монанд равишда намунали хизмат қилишади.

Майор Қаҳрамон БОТИРОВ.

КЛЯТВА НА ВЕРНОСТЬ РОДИНЕ

Принятие присяги – не только важнейший воинский ритуал, но и государственный акт, полный большого патриотического смысла и значения, ибо каждый гражданин, дав один раз священную клятву, обязан быть ей верен всю свою жизнь.

Учебный центр воинской части Караульных войск, где служит офицер Р.Алимов, в этот день с утра в праздничном наряде. Звучит музыка, повсюду слышны оживленные голоса. В гости к воинам прибыли представители местных органов власти и общественных организаций, офицеры Главного управления войск, ветераны, прослужившие в части многие годы, родные и близкие военнослужащих.

Для молодых ребят, находящихся в воинском строю, наступил самый трогательный и ответственный момент в их службе – принятие Военной присяги.

«Мы почти месяц находимся в воинском строю, – говорит рядовой Бахтиер Мардонов, – и за это время уже не раз в ходе напряженных занятий и повседневной жизни проходили проверку на солдатскую зрелость. Но сегодня, после принятия Военной присяги на верность своей Родине и народу, мы стали полноправными солдатами, настоящими вооруженными защитниками страны. Мы горды тем, что служим в одной из передовых частей, занявшей в прошлом году второе место в конкурсе на лучшее соединение Вооруженных Сил».

Учебный сбор нового пополнения завершен, и по его итогам лучшими подразделениями признаны взвод капитана А.Рустамова, группа лейтенанта Н.Сувонова и секция сержанта Ч.Гиесова. С первых дней учебы старательно осваивали военное дело и зарекомендовали себя передовыми воинами рядовые Жамшид Жумамуратов из Хорезмской области, ферганцы Эминжон Усмонов и Абдулапат Мирзаев, призванный из Бухары Равшан Шарипов и другие.

На состоявшемся торжественном митинге с поздравлениями и добрыми напутствиями к воинам обратились полковник милиции А.Назиров, полковники О.Умрасулов, Н.Поповский, заместитель председателя совета ветеранов части подполковник в отставке Ш.Ашуров. Проникновенно прозвучали наказы верно служить Родине, быть преданными сыновьями родного Узбекистана матери рядового Ф.Махкамова – Надиры Мухриевны и отца рядового А.Халикова – майора Анвара Халикова.

От имени солдат, только что принявших присягу, выступил рядовой Алишер Эсанов, призванный из Джизака. Он заверил, что воины нового пополнения оправдают оказанное доверие и достойно выполнят наказы родных и близких, будут честно и добросовестно нести воинскую службу и продолжат славные традиции и добрые дела старших поколений.

В завершение праздника подразделения нового пополнения воинов прошли торжественным шагом. И хотя боевая учеба воинов на учебном сборе была непродолжительной и не у каждого все получается так, как хотелось бы, но уже чувствуется их уверенная поступь, стремление по-настоящему овладеть военным делом и готовность занять места тех, кто прошел армейскую школу и увольняется в резерв.

Николай ЧУРСИНОВ,
ветеран войск.

«Умид нихоллари-2006»

ПРАЗДНИК СПОРТА И ДРУЖБЫ

На днях в Карши завершились очередные республиканские игры школьников «Умид нихоллари-2006», ставшие замечательным праздником спорта и дружбы и наглядно подтвердившие, что здоровый образ жизни является главным приоритетом подрастающего поколения нашей страны.

5 мая на центральном стадионе города Карши состоялось торжественное открытие финальной части республиканских соревнований школьной молодежи «Умид нихоллари-2006». Праздник удался на славу. Под величественные звуки Государственного гимна были подняты Государственный флаг и флаг соревнований, зажжен огонь соревнований, взявший путь 3 мая в Паркентском районе Ташкентской области.

В начале знаменательных мероприятий хозяевам и гостям открытия были предложены песни в исполнении народных артистов Узбекистана, народного инструментального ансамбля «Насаф» при Каршинском городском отделе по делам культуры и спорта. Под громкие аплодисменты зрители встретили Махмуда Номозова и группу «Сурхон», Тахира Садыкова, Хулкар Абдуллаеву, Ильхома Фармонова, Гульсанам Мамазоитову и других звезд узбекской эстрады.

В торжественном открытии соревнований принял участие Премьер-министр Республики Узбекистан Ш.Мирзиеев.

Заметным событием этого вечера стало принятие участниками и участницами «Умид нихоллари» торжественной клятвы. Выступления известных мастеров культуры Узбекистана, а также бахши Санжара, ученика 11-го класса школы №10 Чиракчинского района, танцы в исполнении ведущих артисток и артистов ансамблей «Узбегим юлдузлари», областного отделения объединения «Узбекракс», студентов и студенток творческих колледжей города Карши сопровождались красочными композициями. Свое мастерство продемонстрировали юные спортсмены Кашкадарьи.

Торжественное мероприятие дало хороший импульс для старта столь представительных соревнований с участием команд г. Ташкента, областей и Республики Каракалпакстан.

С утра начались состязания по 12 видам спорта – волейболу, баскетболу, курашу, белбогли курашу, легкой атлетике, настольному теннису, шахматам, футболу, плаванию, художественной и спортивной гимнастике, гандболу. В течение четырех дней на спортивных объектах учебных заведений Карши боролись за победу юные спортсмены – школьники страны.

Данные соревнования входят в трехэтапную непрерывную систему, которая является составной частью Национальной программы по подготовке кадров, последовательно внедряемой в жизнь по инициативе Президента Ислама Каримова. Наряду с массовым привлечением учащихся школ к занятиям физической культурой и спортом, они также имеют важное значение в выявлении одаренных спортсменов, воспитании физически и духовно развитого молодого поколения.

Вечером на новом центральном стадионе города Карши, сооруженном в связи с проведением данных спортивных игр, состоялось торжественное закрытие соревнований «Умид нихоллари-2006».

Победителю соревнований – команде города Ташкента, завоевавшей первое место, вручен самый ценный приз – оригинал приветствия Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова участникам соревнований и ключи от автомобиля «Дамас».

Команды Кашкадарьинской и Ферганской областей, занявшие второе и третье места в общекомандном зачете, также награждены автомобилями «Дамас».

В связи с тем, что этот год в нашей стране объявлен Годом благотворительства и медицинских работников, от имени участников игр «Умид нихоллари-2006» преподнесены автомашины «Дамас» Дому малютки в Китабском районе и областной клинике Матери и ребенка.

Кроме того, всем обладателям золотых медалей соревнований вручены велосипеды, серебряных и бронзовых медалей – спортивная одежда и инвентарь. Большая группа спортсменов-школьников поощрена компьютерами, телевизорами, видео- и аудиомагнитофонами и другими ценными призами.

Хозяева состязаний торжественно передали флаг соревнований представителям Сырдарьинской области, где в 2009 году будут проводиться очередные игры школьников «Умид нихоллари».

В церемонии закрытия спортивных игр школьников «Умид нихоллари-2006» приняли участие заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан Р. Касымов и хоким Кашкадарьинской области Н. Зайниев.

Зухра ОЙМАМАТОВА,
нештатный корреспондент «Ватанпарвара».
Фото **Джамшида НОРКОБИЛОВА.**









МИЛЛАТ ДОНИШМАНДЛИГИ РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу даврда Мир Сарбираҳча, Мавлоно Бурҳони ланг, Саид Ғиёсиддин шарфа, Мавлоно Халил Саҳоф, Муҳаммад Бадахший каби машҳур аскиячилар бўлганини айтиб ўтиш лозим. Тилга олинаётган даврда аскиячиларнинг энг машҳури ким бўлганини биласизми? Эътироф этиш жоизки, халқ оғзаки ижодининг бу турида ўз даврида маълуму машҳур бўлгани, истеъдодли ва атоқлиси Мавлоно Абдулвосъе мунший экан.

Ўн саккиз, ўн тўққизинчи асрларга келиб аския санъати Фарғона водийси ва Тошкентда ривожланган. Ўша пайтларда Фарғона водийсининг Бачқир қишлоғида Деҳқон юзбоши Шерназаров (1860 – 1942 й) ва Тошкентнинг Зангиота қишлоғида Саидаҳмад аскиячи (1880 – 1940 й) роса машҳур саналган. Халқимиз орасидан етишиб чиққан бундайин сўз усталарининг анъаналари йигирманчи асрга келиб қайта ранг олди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, уларнинг анъаналарини ўттан асрнинг 40 – 60 йилларида Эрка қори Каримов, Мамаюсуф Тиллабоев, Юсуфжон Шакаржонов, Расул қори Мамадалиев, Ака Бухор Зокиров ва бошқалар давом эттиришди. Кейинги йилларда эса аскиянинг ривожига Турсунбува Аминов, Мамарозиқ Исҳоқов, Раҳматқул ва Абдуллажон Яшаровлар, Абдулҳай Махсум Қозоқов, Мамажон Мадаминов, Тошкентда ака-ука Шожалиловлар беқиёс улуш қўшишди.



Аскияда халқ даҳоси, маънавияти жам эканини юқорида ҳам айтиб ўтдик. Шу маънода бу санъат турида ҳар хил бачканаликка, беўхшовликка йўл қўйилмайди. Яъни аскиянинг ҳам ўзига хос қоидалари бор. Масалан, аскиябозликда тарафлар даврада ёки қарама-қарши турган ҳолда тез жавоб беришга, ўз жавобларини лўнда, сермаъно, латиф, таъсирли, жозибали ва кулгили чиқаришга ҳаракат қилишади. Жавоб топишда қайси тараф мавзу, жанр доирасидан чиқиб кетса ёки сўз танлашда пала-партишликка йўл қўйса, ўшалар ютқазган ҳисобланишади. Одил баҳони табиийки томошабин қўяди. Яъни томошабин ўз кулгиси ва эҳтиросли қийқириқлари билан тарафлар ва уларнинг маҳоратига баҳо бериб боришади. Одатда мазмундор, серқочирим аскиядан завқланишади, саёз ва қўполларидан ранжишади. Бу ўринда ҳатто юз, кўз, қўл, тана ҳаракатлари, товуш ва имо-ишоралардан ҳам унумли фойдаланишади.

Ҳазил, кулгига ишқибоз халқимиз тилга олинаётган санъатнинг қандайин турлари борлигини яхши билишади. Келинг, шу хусусда ҳам маълумот бериб ўтайлик.

Аскиянинг пайров, қофия, радиф, тутал, ўхшатдим, бўласизми, баҳри байт, сафсата, «гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз?», ширинкорлик, афсона, раббия, лақаб каби ранг-баранг турлари мавжуд. Аскиянинг турларини мукаммал эгаллаган сўз усталарини эса одатда аскиячи, аскиябоз, дейди халқимиз. Ҳатто қадимда бундайин кишиларни бадиҳагўй деб ҳам номлашган. Табиийки, бундайин номга сазовор бўлиш учун бой тилимизнинг кенг имкониятларидан, сўз ўйини, қочирим, ҳазил-мутойиба, киноя, ташбеҳ, кесатиқ, ўхшатиш, муболаға, масхара сингари ҳажв санъати воситаларидан усталик билан фойдалана олишган.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, масхарабозлик ҳам қайсидир маънода аскиянинг шаклланишига туртки бўлган. Яхши биласиз, қадимда саройларда масхарабозлар бўлишган. Масалан, ўнинчи аср охири ва ўн биринчи аср бошларида Ғазнавийлар саройида Бўки номи билан машҳур масхарабоз бўлган. Алишер Навоий даврида Ғиёс масхарабоз эл орасида танилган. Ўн тўққизинчи асрда Бухоро анъанавий театрида Зариф, Тўла, Мизроб, Эргаш исмли масхарабозлар шуҳрат қозонишган. Ўзбек анъанавий театри бўлган масхарабозлик 18 – 20 асрларда Хоразм ва Бухорода шу номда, Фарғона водийсида эса қизиқчилик номида шаклланган тарихдан яхши маълум.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларидан бошлаб аския концерт дастурларидан ҳам ўрин эгаллай бошлади. Лутфихоним Саримсоқова, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Муҳаммаджон Мирзаев, Ғанижон Тошматов, Гавҳар Раҳимова, Сойиб Хўжаев каби таниқли санъаткорлар аскияни театр саҳнасига олиб чиқиб, томошабинлар қалбларидан жой олишганини яхши биламиз. Шунингдек, Зайнобиддин Юсупов, Муҳиддин Дарвешов, Мамасиддиқ Шираев, Рустам Ҳамроқуловлар аския санъатини янада сайқаллаштиришганини ҳам.

Бугунги кунимизда ҳам турли сайиллар, байрамлар, тўю ҳашамларда аския мусобақалари, кечалари ўтказилиб келинмоқда. Мустақиллик байрамлари, Наврўзи олам шодиёналари ва бошқа қутлуғ, азиз айёмларимизни аскиясиз тасаввур этолмаймиз.

Аскиянинг тарихи жуда узоқ, деган фикрни билдирдик. Буни исботлашимиз мумкин. Дейлик, минг йиллиги нишонланган достонимиз «Алпомиш» да ҳам аскияга хос қочиримлар, сўз ўйинлари мавжуд. «Кунтуғмиш» достонида аския элементлари борлигини мутахассислар тадқиқ этишган. Бобомиз мир Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида аския воситасида яратилган мароқли эпизодларни олимларимиз таъкидлаб ўтишган.

Истиқлол сабаб аския санъатимиз ҳам қадриятларимиз сингари янгича мазмун-моҳият касб этиб, янада сайқалланаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Аммо айрим қизиқчилар ўз чиқишларида турли бачканаликларга, қўполликларга йўл қўйишаётгани кўнгилни бироз хира қилади. Дейлик, эркакларнинг аёл образига кириб, кулги ҳосил қилишга уринишлари, одоб доирасидан чиқиб, кулги ҳосил қилишга ҳаракат қилиниши ёки бачкана қилиқлар билан қизиқчилик қилишга уринишларни шулар сирасига қўшиш мумкин. Албатта бундайин кулгининг умри қисқа.

Биргина аския мисолида ҳам халқимиз маънавияти нақадар бойлиги кўриниб турибди. Бундайин маънавий меросни асраб-авайлаш, уларни асл ҳолича келажак авлодга етказиш, демакки анъаналарни давом эттириш бурчимиздир.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

ФАРЗАНДЛАР БАХТ-ИҚБОЛИН КЎЗЛАБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримовнинг шундай гаплари бор: «Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди».

Бу фикрларни бежиз келтириб ўтмаяпмиз. Дарҳақиқат, эртамиз давомчилари борасида ўйлаш, улар тақдири хусусида бош қотириш, уларнинг соғлом, баркамол бўлиб етишишлари учун тиним билмаслик миллий хусусиятларимиздан жой олган. Айниқса, бугунги замонда, танлаган йўлимизга кўз олайтирувчилар, турли ёт ғоялари билан бизни, айниқса ёшларимизни ўзларига бўйсундириб олмоқчи бўлаётган ғаламислар мавжуд бўлган бир шароитда эртамиз ҳақида қайғурмасдан бўларканми?! Ахир, биз бошлаган эзгу ишларни фарзандлар давом эттириши, порлоқ келажак сари дадил бориши, кимларнинг авлодлари эканликларини унутмасликлари, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмай мағрур юришлари учун ҳам келажак авлод камоли энг долзарб масала-да. Шу ўринда фикрларимизни давом эттирган ҳолда республикамизда Юртбошимиз ташаббуси билан болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборга назар ташласак.

Ортда қолган йилимизда мамлакат бўйича режалаштирилган 155 та болалар спорти иншоотларидан қарийб барчаси фойдаланишга топширилган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси саъй-ҳаракати билан 2003 – 2005 йилларда жами 381 та иншоот қурилиб, фойдаланишга топширилганини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, улардан 209 таси янгидан бунёд этилган, 172 таси эса қайта таъмирланган. Бу борада Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон республикасида амалга оширилган ишлар ибратли эканлигини эътироф этиш лозим. Ҳа, ҳа айнан вилоятларда, қишлоқ жойларида бу борада юритилаётган сиёсат ўз самарасини бермоқда. Шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, қисқа давр ичида қишлоқ жойларида болалар спорти инфратузилмасини шакллантиришга катта эътибор бериляпти.

Ўринли бир савол туғилади. Ёшларимиз айнан қайси спорт турларига кўпроқ хайрихоҳлик билдиришяпти ва бундайин талаблардан келиб чиқиб қай йўсинда иш олиб боряпмиз, деган. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, ўғил болаларда спортнинг футбол, мини футбол, баскетбол, волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси каби турларига бўлган қизиқиши ҳисобга олиниб, кейинги пайтларда бу йўналишдаги секциялар кўпайтирилаётган экан. Қиз болалардаги енгил атлетика, бадиий ва спорт гимнастикаси, сузиш ва синхрон сузиш кабиларга қизиқишдан келиб чиқиб, бундайин спорт турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Оқсаройда Президентимиз Ислом Каримов раислигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг бўлиб ўтган йиғилишларидан бирида давлатимиз раҳбари ўтган давр мобайнида қилинган эзгу ишларга баҳо бериб, жумладан шундай деган эди: «Болалар спортини ривожлантириш борасида бошланган ишларимиз ўзини оқлади. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш мақсадида бу ишга қўл урганмиз. Ўтган қисқа даврда бу борада муайян ютуқларга эришдик. Бу ташаббусимиз, хайрли ишимиз ўз мевасини бермоқда».

Ҳа, болалар спортини ривожлантириш масаласига доимий эътибор қаратиб келинаётгани ўз самарасини бераётир. Масалан, 2005 йилда асос солиниб, бугунги кунда анъанага айланган бир мусобақа борасида тўхталиб ўтсак. Айниқса, шу кунларда ёзги таътилни орзиқиб кутишаётган болажонларимиз бу мусобақани яхши билишади. Халқ таълими ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташаббуси билан 2005 йилдан ўтказила бошланган «Ёзги таътил» мусобақаларини назарда тутяпмиз. Жорий йилда ҳам бу анъана давом эттирилиб, янада кўтаринки руҳда ўтказилиши кўзда тутилган. Мазкур мусобақалар умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинмоқда. Тилга олинаётган мазкур ташаббус замирида айнан Президентимиз таъкидлаган интилишлар ётишини англаш қийин эмас.

«Ёзги таътил» спорт мусобақаларидан кўзланган мақсад ўз-ўзидан аён. Яъни фарзандларимизнинг энг узоқ давом этадиган таътилни мароқли ўтказиши, уларнинг спорт ва жисмоний тайёргарликка мунтазам жалб этилиши, бир сўз билан айтганда, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Мусобақа низомига кўра уч босқичда ўтказилиб, биринчиси жойларда маҳалла қўмиталари томонидан, навбатдагиси халқ таълими бўлимлари томонидан, ниҳоят сўнгги босқич мусобақалари жойларда маданият ва спорт ишлари бошқармалари, халқ таълими бошқармаси, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашлари томонидан ташкиллаштирилади. Келажагимиз давомчилари унда спортнинг 15 тури бўйича ўзаро баҳс олиб боришади. Улар: баскетбол, кураш, белбоғли кураш, эркин кураш, дзюдо, волейбол, енгил атлетика, каратэ, стол тенниси, қўл тўпи, футбол, шоҳмот, шашка, сузиш, бокс.

Маълумки, юртимизда 395 та болалар соғломлаштириш мажмуалари (лагерлар) мавжуд бўлиб, улар ҳар сменада 74785 нафар болажонларни қабул қилиш имкониятига эга экан. Демак, бу барча ёшлар лагерларга бориб, ҳордиқ чиқариша олмайди, дегани. Шунинг учун жорий этилган бу ташаббус оромгоҳларга бормайдиганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни соғлом турмуш тарзига йўналтиришга, бекорчилик ва ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолмасликларига хизмат қилмоқда. Демак, шундайин эзгу ташаббуслар орқали келажагимиз эгаларининг бўш вақтларини фойдали ишларга йўналтиряпмиз, уларнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишишига янада эътибор қаратяпмиз.

Вазирлар Маҳкамасининг «2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси йўлида «Ўзэкспомарказ»да умумтаълим ва спорт мактаблари учун мўлжалланган спорт анжомлари, ускуналари кўргазмаси бўлиб ўтгани ҳали-ҳали эсимда. Маълумки, мазкур кўргазмада Президентимиз ҳам иштирок этиб, мутасадди раҳбарлар олдига спорт жиҳозларига бўлган талаб ва таклифни ўрганиб чиқишни, ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларини эталон сифатида қабул қилиб, шу асосда маҳаллий ишлаб чиқариш қувватларини замон андозаларига жавоб берадиган шундайин маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратиш лозимлигини эътироф этгандилар. Албатта бунинг замирида болалар спортини шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек устувор мақсад мужассам. Бу борада нима ишлар амалга оширилаётгани муштарийларда қизиқиш уйғотиши табиий. Шу маънода айрим рақамларга мурожаат этсак. Биргина 2004 йил давомида болалар спорт иншоотларини жиҳозлашда зарур бўлган 120 хил анжомларнинг 47 таси хориждан валюта ҳисобига олиб келинарди. 2005 йилдан эса бундайин анжомларнинг 90 фоиздан зиёдроғи республикамиз корхоналарида ишлаб чиқариляпти. Фахр билан эътироф этиш лозимки, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг тайёрлаётган маҳсулотлари сифат бобида хорижникидан қолишмайди. Демак, ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизни қўллаяпмиз, ҳам валютани тежаб қоляпмиз, энг муҳими, юртимизда болалар спорти ривожига улуш қўшяпмиз.

Маълумки, куни кеча Президентимизнинг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди. Мазкур муҳим ҳужжатда ҳам болалар спорти ривожи йўлида, аниқроғи ёш, қобилиятли футболчиларни аниқлаш, уларни тарбиялаш, соҳага жалб этиш, захира тайёрлаш учун болалар-ўсмирлар футбол мактабларини профессионал футбол клубларининг тузилмаларига мажбурий киритишни жорий этиш кабилар бобида муҳим кўрсатмалар бор. Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, болалар спортини ривожлантириш устувор мақсадларимиздан бирига айланган.

Шуни қувонч билан эътироф этиш лозимки, баркамол авлодни шакллантириш йўлидаги мақсадларимиздан «озиқланиб» камол топаётган, демакки қалбида Ватани жўш ураётган келажагимиз давомчилари бировга бўйин эгмайди, Ўзбекистонини ҳеч кимга бериб қўймайди.

Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.



Суратлар таҳририят фотоархивидан олинди.

ХОРАЗМНИНГ ФИДОЙИ ТАРИХЧИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сайид Ҳомид тўра 1861-1930 йилларда Хивада яшаб ижод қилган, Комёб тахаллуси билан қалам тебратган. Тўрт ёшида отасидан етим қолгач унинг кейинги тақдири акаси Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) билан боғланади.

Отаси вафотидан кейин тахтга ўтирган Феруз давлат ишлари билан биргаликда, оила аъзолари ва қариндошларининг парвариши ҳамда таълим олишига, хусусан, Сайид Ҳомид тўранинг тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган.

Комёб Арабмуҳаммадхон мадрасасида ўз даврининг етук олимларидан турли фанлар бўйича таҳсил олади. Араб ва форс тилларини пухта эгаллайди. Унинг билим доираси ва дунёқарашининг кенгайишида давлат арбоблари, шоир ва мусиқа билимдонлари иштирокида бўлиб ўтадиган анжуман ҳамда адабий кечалар, шеърхонлик баҳслари ҳамда мусиқа базмларига мунтазам қатнашиб боришнинг аҳамияти беқиёс бўлган.

Сайид Ҳомид тўра хон фарзанди бўлишига қарамай, ўзига берилган ўн беш таноб ерида деҳқончилик қилиш ҳисобидан кун кечирган. Ўша даврда Феруз бошлаб берган анъанага кўра, йирик сармояга эга бўлган кишилар ўзлари ҳисобидан мадраса, масжид ёки халқ учун зарур бўлган бошқа бирор иншоот қуриб бериши расм бўлган эди. Комёб ҳам ана шу анъанага кўра, тўплаган маблағи ҳисобидан ҳовлисининг олдида жомеъ масжидли бир мадраса, Аловуддин хўжа мақбарасининг яқинида масжид ва хонақоҳли қорихона, Ҳалимбой мавзесида бир масжид қурдирганлиги, у ерда талабаларга билим бериш учун малакали устозлар ҳамда уларнинг хизматига лойиқ ҳақ тайин қилганлигини ёзган.

Комёбдан бизга битта шеърий девон, Хоразм тарихига оид «Таворих ул-хавонин», «Мунтахаб ул-воқеот» каби тарихий асарлар ва XIX аср охири XX аср бошларида Хоразмда юз берган табиат ўзгаришлари тўғрисида маълумот берувчи эсдаликлар етиб келган.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Комёб булардан ташқари, бошқа бир тарихий китоб ҳам ёзиш нияти борлигини «Мунтахаб ул-воқеот» китобида: «Насиб этиб, табъимға қувват, ўзимга тавонолиқ берса, «Равзат ус-сафо» янглиғ ўзга таворихлардин ҳам бир андак ёзмоқ кўнглимда бордур», деб айтиб ўтган. Лекин айни пайтда биз унинг бу нияти амалга ошган ёки ошмаганлигини билдирувчи бирорта маълумотга эга эмасмиз.

«Таворих ул-хавонин» – Хива хонлари тарихига бағишланган асар. Асарнинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланади. Сайид Ҳомид тўранинг қайд қилишича, ушбу асарни ёзишга киришишдан аввал у Муҳаммад Раҳимхонга Хива хонлари тарихига оид бир китоб ёзиш нияти борлигини билдиради. Хон унинг бу фикрини қувватлаган ва ўз даврига қадар бўлган тарихий воқеаларни Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Огаҳийлар ёзганлиги, у мазкур муаллифларнинг асарларига кирмай қолган воқеалар баёнини қаламга олиши лозимлигини айтади.

«Таворих ул-хавонин» муқаддима, беш боб (I боб: Одам атодан Нуҳ алайҳиссаломгача бўлган давр зикри; II боб: Ёфасдан қўнғирот уруғи воқеасигача; III боб: Қурлос авлодидан подшоҳлик мартабасига етганлар зикри; IV боб: Қўнғирот подшоҳларининг ва уларнинг авлодларининг зикри; V боб: Муҳаммад Амин иноқнинг авлодларидан Хоразм мамлакатида подшоҳлик қилганларнинг зикри) ва муаллифнинг ўз ҳаёти ҳамда ижтимоий муҳит тўғрисида маълумот берувчи бир мақоладан иборат.

Биринчи-тўртинчи боблар «йиғма» (бошқа тарихий асарлардаги воқеалар баёни саралаб олинган) характерга эга. Бу қисм учун Комёб Шаҳобиддин Насавийнинг «Сийрати Султон Жалолиддин Мангуберди», Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий», Темур «Тузуклар»и, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», Абдулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тароким», Мунисниг тарихий асарларидаги сингари туркий халқлар, қўнғирот хонлари тарихига оид қимматли ёзма манбалар билан биргаликда, бой фольклор материалларидан ҳам фойдаланганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

«Таворих ул-хавонин»нинг янги маълумотларга эга ва қимматли бўлган қисми бешинчи боб ва муаллифнинг ўзи тўғрисида ёзган мақоласидир. Бу қисмда Комёб қўнғирот иноқларининг қай тарзда ҳокимият тепасига келиши ва уларнинг марказлашган ҳукумат тузиш йўлида доим ажраб чиқишга ҳаракат қилиб келган ямутлар, Оролбўйи, Қўнғирот аҳолисига қарши ҳамда чегара ерлари учун Бухоро билан олиб борган тинимсиз курашлари тўғрисида маълумотлар берилади. Шу билан бирга, рус қўшинларининг хонликка босқичма-босқич кириб кела бошлаши ва, ниҳоят, босиб олинишига доир тарихий воқелик қаламга олинади.

Асарда хонликнинг рус қўшинлари томонидан катта ҳарбий куч ёрдамида бўйсундирилиши манзарасининг бевосита гувоҳи сифатида ёзиб қолдирилганлиги ҳам яна бир карра унинг тарихий манба сифатидаги қадр-қимматини оширади.

«Таворих ул-хавонин»да, булардан ташқари, Хива-Бухоро, Хива-Афғонистон, Хива-Эрон, Хива-Россия дипломатик, ҳарбий ва савдо соҳасидаги муносабатларининг баъзан ривожланиб, баъзан сусайиб кетиш сабабларини очиб беришда муҳим роль ўйновчи эътиборли далиллар келтирилган.

Шунингдек, хонликдаги эшон ва шайхларнинг давлат бошқарувига таъсири, каромат-лари, мавжуд тасаввуфий тариқатлар, уларнинг турмуш тарзи, сулук одоб-ахлоқ қоидалари каби масалалар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

«Мунтахаб ул-воқеот» Комёбнинг бизгача етиб келган иккинчи тарихий асаридир. Унинг ҳозирча маълум ягона нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланади.

Ундаги баъзи маълумотлар «Таворих ул-хавонин»да берилганларнинг мазмунини такрорлайди ва мазкур мавзуга бағишланган манбалардан саралаб олинган. Муаллифнинг билдиришича, баъзи йиғиб юрган маълумотлари қолиб кетмасин, деган мақсадда саралаб тартибга келтирилган. Шу боис ҳам китоб «Мунтахаб ул-воқеот» деб номланади.

«Мунтахаб ул-воқеот» уч бобдан иборат. Биринчи бобда Одам алайҳиссаломдан Нуҳ алайҳиссалом авлодигача бўлган воқеалар хусусида сўз юритилади. Иккинчи бобда Ёфасдан Қўнғирот уруғигача бўлган воқеалар баён қилинган. Муаллиф унда Турк наслининг пайдо бўлиши, унинг уруғлари хусусида маълумотлар беради. Жумладан, қиёт, қипчоқ, қанғли уруғларининг ташкил топиши, уларнинг мазмуни хусусида сўз юритаркан, бу тўғридаги батафсил маълумотлар мавжуд бўлган манбаларни ҳам айтиб ўтади. Ушбу бобда «Таворих ул-хавонин»даги каби асосий диққат-эътибор қўнғирот уруғининг пайдо бўлиши, унинг тармоқлари, бу номнинг келиб чиқиш тарихи, мазмуни сингари масалаларни ёритишга қаратилган. Учинчи боб икки фаслдан иборат. Биринчи фасл Элтузархоннинг Хоразмда хонликни эгаллаши ва ҳукмронлик даврини ўз ичига олса, иккинчи фасл турли даврларда яшаган таниқли кишиларнинг ҳаётига оид қайдлар, улардан чиқарилган хулосалар ва муаллифнинг ранг-баранг мавзуга оид шеър ҳамда бошқа хабарларидан ташкил топган.

Асарга муқаддима ёзилмаган. Бунга сабаб, муаллиф унинг муқаддима қисмини ҳам «Таворих ул-хавонин»га ўхшашлигини назарда тутган. Айни шу мақсадни баён қилувчи изоҳда: «Бу китоб «Таворих ул-хавонин»дур, ҳошиясиға ёзғоним «Мунтахаб ул-воқеот»дур, иккисининг ҳам дебочаси бир тариқададур деб, аввалидин ёзмай Одам алайҳиссаломдин бошлаб мунга ёздим. Агар «Мунтахаб ул-воқеот»-ни мундин ўткариб ёзмоқ истаса, ҳар кишиким дебочанинг аввали «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим»дан ибтидо қилиб ёзсин», – деб қайд қилинган.

Жамолиддин ЖЎРАЕВ,
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси.
(Давоми бор).

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ

ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Газетамизнинг доимий рукни бўлмиш «Ҳафта гўзали»нинг бу галги меҳмони Умида Маматниязова айни пайтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей ўқувчиси.

Илмга чанқоқ, тиришқоқ ва интилувчан ёш авлод вакиласи инглиз, немис ва грек тилларини ўрганиш билан бир қаторда шеър ёзишни ҳам машқ қилиб туради. Бўш вақтларини эса, асосан турли мавзуларда китоблар ўқиш, кино кўриш ва мусиқа тинглаш билан ўтказади.

Келажакда олий ўқув юрт талабаси, ўз касбининг устаси, етук мутахассис бўлишни мақсад қилиб қўйган Умидахонга орзуларининг рўёбини тилаб қоламиз.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

● В восточно-китайской провинции Цзянси построено самое большое в мире колесо обозрения. Его диаметр составляет 153 м, сообщает ИТАР–ТАСС. «Звезда Наньчана» – так официально именуется самое большое в Китае колесо обозрения – на 25 метров выше знаменитого «Лондонского глаза», расположенного на берегу Темзы. Каждая из 60 кабинок «Звезды Нанчана» вмещает 8 человек, колесо делает полный круг за полчаса. На создание «чертова колеса» было потрачено 57 млн. юаней (свыше $7 млн.). Авторы проекта уже подали заявку на внесение аттракциона в Книгу рекордов Гиннесса.

● В столице России на Пресне идет строительство международного делового центра «Москва-Сити». Комплекс «Федерация», расположенный аккурат посреди бизнес-центра, состоит из двух башен-близнецов и шпиля, венчающего стрелу с панорамными лифтами. На лифтах будут катать туристов: «Федерация» обещает вырасти до 432 метров и войти в Книгу рекордов Гиннесса как самое высокое здание Европы. Младший близнец пока в проекте, поэтому мы нанесли визит старшему, которому «уже за 30... этажей» (всего планируется 94 этажа).

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевнинг мазкур шеъри қўшиқ бўлиб янграган, сизу бизнинг дилимиздан жой олган.

ЮРТ ЎҒЛОНЛАРИ

Жон Ватаним, жону таним,
ифтихоримсан,
Жон жаҳоним, пок виждоним,
ҳур диёримсан,
Сенга бўлсин, онажоним,
бу жонлар фидо,
Кўз қарағим, қалб чироғим,
номус-оримсан!

НАҚОРАТ:

Она юртнинг фарзандлари,
посбонларимиз,
Мард, довюрак,
алп баҳодир ўғлонларимиз.

Шу юрт учун, шу халқ
учун баркамол авлод,
Сафлар аро ташлар қадам дадил,
мардона.
Ватан меҳри сўнмас қалбда мангу,
умрбод,
Ўзбекистон – чаман бўстон,
азиз остона!

НАҚОРАТ.

Озод, обод эл бағрида гул-гул
яйраймиз,
Огоҳ бўлиб, юрт ишончин дилдан
оқлаймиз.
Эл тинчини, юрт бахтини севиб
юракдан,
Ўлкамизни балолардан омон
сақлаймиз.

НАҚОРАТ.

Моя страна от края и до края



ПОМНЯТ ДРЕВНИЕ СТЕНЫ

Бухара и Хива внесены в список ценностей всемирного культурного и научного значения.

Возвышались и приходили в упадок царства. Расцветали науки и ремесла. Как черный смерч, проносились по благословенной земле полчища иноземных завоевателей. И вновь возрождались караванные торговые дороги, и вставали вдоль них города и поселения, зеленели ухоженные сады и пашни – обо всем этом бережно хранят память древние стены городов-юбиляров.

Около 140 памятников древнего зодчества расположены в Бухаре. Многие из них – уникальны. Мавзолей Саманидов – шедевр градостроительства IX – X веков. Именно здесь была впервые применена кладка из жженого кирпича, а стены здания – словно изысканные ажурные кружева. Нельзя представить себе Бухару без величественного минарета Калян, горделиво взметнувшегося к самому небу. На западной окраине города некогда высился дворец – резиденция бухарских правителей. Сохранились руины дворца с образцами удивительной по красоте резьбы и росписи по ганчу и дереву, лепные детали.

Городом-музеем, городом-сказкой называют Хиву. И именами этими она обязана прежде всего архитектурному заповеднику Ичан-кала. До наших дней сохранилась здесь экзотика древнего Востока. Цитадель Куня-Арк, дворец Таш-Хаули, минарет Исламаходжи... Узкие улочки, дома без окон. Деревянные двери, колонны, карнизы, потолочные балки, украшенные изысканной, затейливой резьбой, – этот вид искусства был особенно развит в Хиве.

Узбекистанцы бережно хранят память о прошлом.

РЕКЛАМА ҲАМ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Маълумки, ўсмир ёшлар доимо кимгадир ўхшашга, кимгадир тақлид қилишга, ундан ўрнак олишга ҳаракат қилади.

Умуман ёшлар онгида миллий ва умумбашарий қадриятларга, бунёдкор ва бизга ёт ғояларга, яхшилик ва ёмонликка, эзгулик ва разолатга нисбатан онгли муносабатнинг тўғри шаклланишида улар ўрнак олишга муносиб шахсларнинг маънавий олами, турмуш тарзи, тафаккури, хулқию одоби юксак аҳамият касб этади. Шундай экан ёшларга тўғри йўл кўрсатишда, уларнинг ўзлари учун ҳам, жамият учун ҳам манфаатли нарсаларни англаб етишларида ижтимоий рекламани қўллаш улкан маърифий-тарбиявий, ғоявий-мафкуравий аҳамиятга эга.

Биз шаҳар ва туманларнинг марказий майдонларида, шоҳ кўчалар, йўл бўйлари, истироҳат боғлари, баланд биноларнинг пештоқларига ўрнатилган улкан плакатлар, стендлар, тарғибот-ташвиқот лавҳалари ва бошқа турли-туман ахборот воситаларига ҳар куни кўзимиз тушади. Лекин хилма-хил маҳсулотлар ва хизмат турлари рекламаси акс этган плакат ва лавҳалар орасида жамиятимиздаги маданий ҳаёт, соғлом турмуш тарзи, қизғин меҳнат жараёнлари акс этган ижтимоий реклама намуналари оз эканлиги ачинарли ҳолдир.

Агар мамлакатимиздаги шу куннинг қаҳрамонлари – донгдор тадбиркор-ишбилармонлар, ишчи-хизматчилар, машҳур спортчилар, халқ эътиборини қозонган фидойи олимлар, ёзувчилар, зиёлиларимиз турмуш тарзлари, меҳнат фаолиятларини ёритувчи рекламалар ёшларнинг кўз ўнгида намоён бўлиб турса, бу албатта юртимизнинг фахри, миллатимиз ғурури бўлган инсонларга ҳавас қиладиган, улардан ўрнак оладиган, ғайратли, илмга чанқоқ, меҳнатсевар, ғоявий етук, руҳан ва жисмонан соғлом ёшларимиз сафининг янада кенгайишига замин яратади. Мухтасар айтганда, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ижтимоий рекламаларни тайёрлашга мутасадди бўлган шахслар, давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалар ёшлар, жамият маънавий-маърифий ривожига қаратилган амалий тадбирларнинг ушбу муҳим йўналишига кенгроқ эътибор қаратишса, мақсадга мувофиқ иш бўларди.

Азизахон ФИЁСОВА.



БИЛАСИЗМИ?

МОРЗЕ АЛИФБОСИДАГИ ТЕЛЕФОН

Бразилияда кар ва соқовлар учун мўлжалланган телефонлар ишлаб чиқарила бошланди. Бундай телефонларнинг ихтирочилари Морзе алифбоси принципидан фойдаланишга аҳд қилишди.

Ҳар бир абонент учун ўрнатиладиган электрон блок панелига турли рангдаги учта лампочка жойлашган. Телефон орқали сўзлашаётган пайтда лампочкаларнинг бири суҳбат охиригача ёниб туради. Қолган иккита лампочка эса, Морзе алифбосининг нуқта ва тиреларига мувофиқ «милт-милт»лаб, ёниб-ўчиб туради. Бундай янги қурилмада суҳбат одатдагидан эрта тушунтирилади.

Янги телефонга буюртма шунчалик кўпки, бундан ҳатто ихтирочиларнинг ўзлари ҳам ҳайратланишмоқда.

«ҚАНОТЛИ ИБОРАЛАР» ТАРИХИДАН

«Ҳар ким ўз бахтини ўзи яратар». Римлик тарихчи Саллюстийнинг (милодга қадар 86 – 35 йиллар) ёзишича, бу ибора Рим консули Аппию Клавдийга (милодга қадар 307 йил) тегишли. Унинг фикрича, фақат донишманд одамгина ўз бахтини яратишга қодир.

«Ҳар нарсанинг меъёри бор». Бу ибора римлик шоир Горацийнинг (милодга қадар 65 – 8 йиллар) «Сатир» асаридан олинган. Ҳеч қачон ҳеч бир нарсада суиистеъмолликка йўл қўймаслик, доимо меъёрни ушлашга даъват этувчи бу ибора энг кўп қўлланилади ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади.

«Муҳаббатнинг кўзи кўр». Қадимги юнон файласуфи Афлотун ўзининг «Қонунлар» асарида муҳаббат кўр қилиб қўяди, севган киши севилмишнинг айбини ҳам кўрмайди, деб ёзади.

«Соғлом танда – соғлом руҳ». Бу ҳикматни дастлаб қадимги юнон ёзувчиси Ювенал (милодга қадар 60 – 127 йиллар) айтган. У «Ибодат қилайлик, соғлом танимизда соғлом (ақл) руҳ бўлсин» деб ёзган. Инглиз файласуфи Жон Локк (1632 – 1704) ва Жан-Жак Руссо (1712 – 1778) ҳам худди шундай фикрни айтган.

«Халқ дўсти». Тарихчи ва ёзувчи Плутархнинг хабар беришича, бундай улуғвор номга Римда уч марта (милодга қадар 508-, 507-, 504-йиллар) консул этиб сайланган Публий Валерий сазовор бўлган. Валерий ўзига ниҳоятда ҳашаматли уй қургани халқни қаттиқ ғазаблантиради, оммавий норозиликка сабаб бўлади. Буни эшитган Публий Валерий уйни бузиб ташлаб, дўстларининг камтарин хонадонига кўчиб ўтади. Консул халқ иродасига бўйсуниб, одамлар фикри билан ҳисоблашганини кўрган Рим аҳолиси консул учун ўзлари ҳашар йўли билан уй қуриб беради ва уни «халқ дўсти» деб атай бошлайди.

«Саодатли онлар». Стефан Цвейг (1881 – 1942) тарихий новеллалардан иборат «Инсониятнинг саодатли онлари» китобида бу иборани қўллаган. У «Ҳар бир олға қадам тайёргарликни талаб қилади, ҳар бир арзирли воқеа ҳаракат маҳсули, миллионлаб беҳуда сониялардан саноқлиларигина инсон учун саодатли он бўла олади», деб ёзган.

«Олтин аср». Бу ибораниг дастлабки варианти қадимги юнон шоири Гесиоднинг (милодга қадар 8-7 асрлар) поэмасида учрайди ва муайян халқ иқтисодий ва маданий тараққиётининг энг юксак даврлари тилга олинганда қўлланилади.

«Томошабин ўйинчидан кўпроқ нарсани кўра олади». Ушбу ибора муаллифи ҳаётда жуда кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирган испан файласуфи Балтасар Грасиандир (1601 – 1658).

КЕЛАЖАК МОДАСИ

10 ЙИЛДАН СЎНГ ҚАНДАЙ КИЙИНАМИЗ?

Интернетдан олинган маълумотларга қараганда, бизни келажакда бир-биридан ажойиб ва ғаройиб модалар асри кутмоқда. Ҳеч ажабланарли жойи йўққи, бир неча йиллардан сўнг Apple ва Cisco Systems каби йирик компаниялар юқори технологияли кийимлар ишлаб чиқара бошлайдилар. Ўз ўрнида юқори технологиялар асрида яшаётганимиз бунга шубҳа туғдирмаса ҳам бўлади. Чунки кечагина илм ва техника соҳасида қўлланилаётган атамалар бугун тарих саҳифаларидан жой олмоқда. Янги технологиялар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига, шунингдек, мода дунёсига ҳам кескин кириб бормоқда.

Ҳозирданоқ либос дизайнерлари турли инновацион материалларда синов ишларини олиб бормоқдалар. Яқиндагина полиэстер, Spandex, Gore-Tex ва Ultrasuede каби материал ва технологиялар революцион ҳисобланар эди. Бугун эса улардан либослар, оёқ кийимлари ишлаб чиқаришда унумли фойдаланилмоқда.

«Яқин орада юксак технологияли кийимлар оммабоплашади ва ўзининг кенг тарқалганлиги жиҳатидан жинси матоларидан ҳечам қолишмайди, – дейди NPD Group компаниясининг либослар бозори таҳлилчиси Маршал Кохен. – Ахир чокларига қўйилган махсус спирал оёқларингизни совуқ қотишига йўл қўймайдиган либослар турганда, оддий жинсилар сотиб олишга не ҳожат».

Биз учун хизмат қилувчи бу каби «келажак либослари»нинг баъзилари ҳозирданоқ сотувда мавжуд. Қуйида бугун дўконлардан харид қилса бўладиган айрим «келажак либослари»ни келтириб ўтмоқчимиз:

МИНИ-ДИСК ПЛЕЕРЛИ КУРТКА

Сноуборд ва либослар учун асбоб-ускуна ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи Burton компанияси Sony мини-диск плеери ўрнатилган курткалар моделини савдога чиқарди. Масофавий бошқарув пульти кийимнинг енг қисмига ўрнатилганлиги унинг эксплуатациясини анча осонлаштиради. Плеер ва унинг пульти курткага шундай жойлаштирилганки, улар нафақат зарбадан балки нам ёки чанг тушишидан ҳам ҳимоялангандир.

УСТКИ КИЙИМЛАР ҲАВО ТОЗАЛАШ ТИЗИМИ

Япониянинг «Kuuchoufuku» тўқимачилик компанияси кийимнинг юқори қисмига ўрнатиладиган шамоллатиш тизимини ишлаб чиқди. У ёзнинг энг жазирама иссиқ кунларида ҳам мода ишқибозларига ўз услубига содиқ қолишига ёрдам беради.

ИДЕАЛ ЖИНСИЛАР

Буюк Британиянинг мода оламида янги технологиялар билан шуғулланадиган «Bodymetrics» компанияси ва жинси ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур «Serfontaine Jeans» ҳамкорликда иш олиб боришга қарор қилдилар. Энди, мижоз танасининг аниқ ўлчамлари ўзгача усулда, яъни махсус ёруғлик сканери ёрдамида аниқланади. Бу жараён учун тахминан 8 секунд вақт кифоя қилади. Сўнг мижоз ўзининг жинсиси учун ранг ва бичим танлайди. Икки ҳафта ўтгач, идеал жинси почта орқали ўз эгасига элтиб берилади. Ушбу харажатларнинг умумий баҳоси бир жуфт «Serfontaine» жинсисидан икки баробар қиммат, яъни 530 АҚШ доллари туради.

«АҚЛЛИ» КРОССОВКАЛАР

Спорт либослари, пойафзаллари ишлаб чиқарувчи энг йирик ва машҳур компаниялардан бири бўлмиш «Adidas» ўтган йили асосан югуриш учун мўлжалланган янги кроссовкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кроссовка тагчармига ўрнатилган микрочип пойафзалга туташ юза турини аниқлайди. Ер юзасининг қандайлигига қараб тагчармнинг қаттиқлик даражасини ўзгартиради. Бу билан энг оптимал амортизация ва таянч нуқтасини таъминлайди.



Дурдона ҚОДИРОВА тайёрлаган.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!

Республикамизда «Ватанпарвар» газетасига 2006 йилнинг II ярми учун обуна давом этмоқда.

Газетамизнинг асосий мақсади, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар шайлиги ва қудратини мустаҳкамлаш, унинг нуфузини оширишга ҳар томонлама ёрдам бериш борасидаги чора-тадбирлар билан бир қаторда, мамлакат аҳолисининг барча қатламлари, айниқса ёшларни ватанпарварлик, Ватанга ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Газетага нашр таннархига деярли тенг бўлган махсус имтиёзли нарх қўйилганлиги ҳам эътиборга моликдир.Газетага обуна бўлишнинг 6 ойлик ягона нархи вилоятлар бўйича 13.602 сўм миқдорида, Тошкент шаҳри бўйича 11.730 сўм миқдорида белгиланган. Бу ҳақда сиз яқин орада жойлашган «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг почта бўлимидан маълумот олишингиз мумкин. Тошкент шаҳри обуначилари учун бевосита нашриёт орқали обуна амалга оширилганда имтиёзли нарх белгиланган, яъни 6 ойга 10.000 сўм (ўзи олиб кетиш шарти билан – 9.100 сўм).

Оммавий тарзда обуна бўлувчилар ва юридик шахслар пул ўтказиш, якка тартибда обуна бўлувчилар эса нақд пул тўлаш йўли билан обунани Тошкент шаҳридаги «Ипотека-Банк» АТИБнинг Шайхонтоҳур тумани филиалидаги № 20203000400447951001 ҳисоб рақами, МФО 00425, ИНН 201088604, ОКНХ 87100 бўйича амалга оширишлари мумкин. Бунда пул маблағлари келиб тушганидан сўнг нашриёт томонидан буюртма расмийлаштирилади ва унинг нусхаси абонемент билан бирга обуначининг почта манзилига юборилади.

Газетанинг обуна индекси – 114.

Маълумотлар учун телефон: 56-03-46; факс: 56-04-60

Обуна-2006



УВАЖАЕМЫЙ ПОДПИСЧИК!

В республике продолжается подписка на газету «Ватанпарвар» на II полугодие 2006 года.

Основной целью газеты, наряду с мерами по всемерному содействию укреплению боеготовности и мощи Вооруженных Сил страны, росту их авторитета, является утверждение среди всех слоев населения страны, и особенно молодежи, духа патриотизма, преданности Родине и идеалам независимости государства.

На газету установлена специальная льготная ценовая планка на подписку, которая практически равна себестоимости издания. Единая подписная цена по областям установлена в пределах 13.602 сума на 6 месяцев. По г. Ташкенту она составляет 11.730 сумов. Об этом вы можете узнать в ближайшем почтовом отделении АО «Матбуот таркатувчи».

Для подписчиков по г.Ташкенту при условии подписки непосредственно в издательстве установлена льготная цена – 10.000 сумов на 6 месяцев (при условии самовывоза – 9.100 сумов).

Коллективные подписчики и юридические лица могут осуществить подписку непосредственно в издательстве газеты путем перечисления, а индивидуальные – путем перевода средств на расчетный счет № 20203000400447951001, в Шайхантахурский филиал АКИБ «Ипотека-Банк» г.Ташкента, МФО 00425, ИНН 201088604, ОКНХ 87100.

Подписной индекс газеты – 114.

Справки по телефонам: 56 03 46, факс 56 04 60.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Илмий текшириш, тажрибали конструкторлик ишлари ва узлуксиз буюртмаларни режалаштириш бўлими

ҳарбий техника ва қуроллар соҳасида ташаббускор ҳарбий хизматчилар илмий лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги ҳарбий соҳа бўйича

танлов эълон қилади:

1. Зирҳли қуроллар ва техника
2. Ракета-артиллерия қуроллари
3. Ҳарбий автомобиль
4. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари қуроллари ва ҳарбий техникалари
5. Ҳарбий авиация қуроллари ва ҳарбий техникалари

Танловда лавозими, ҳарбий унвони, илмий даражаси, хизмат жойидан қатъи назар барча ҳарбий хизматчилар иштирок этишлари мумкин.

Танловга кутилажак илмий натижалари эксперт томонидан баҳолай олинадиган, ҳал этилиши мўлжалланган ҳарбий муаммо аниқ кўрсатилган (2006 йил 31 декабргача мўлжалланган) лойиҳалар қабул қилинади.

Танловга тегишли барча зарур маълумотлар, лойиҳаларни расмийлаштириш тартиби ва асосий қоидалари билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Илмий текшириш, тажрибали конструкторлик ишлари ва узлуксиз буюртмаларни режалаштириш бўлими орқали танишиш мумкин.

Танловга ҳарбий-илмий лойиҳалар тўғридан-тўғри ёки тегишли қўмондонлик орқали Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Илмий текшириш, тажрибали конструкторлик ишлари ва узлуксиз буюртмаларни режалаштириш бўлимига тақдим этилиши лозим.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг сертификати ва пул билан рағбатлантирилади.

Лойиҳалар матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 2006 йил 30 майга қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Абдуллаев кўчаси 100, ЎР МВ Илмий текшириш, тажрибали конструкторлик ишлари ва узлуксиз буюртмаларни режалаштириш бўлими.

Тел: 169-86-62.

Отдел планирования научно-исследовательских, опытно-конструкторских работ и серийных заказов Министерства обороны Республики Узбекистан

объявляет конкурс

на лучший научный проект инициативных военнослужащих в области военных исследований по следующим направлениям:

1. Бронетанковое вооружение и техника
2. Ракетно-артиллерийское вооружение
3. Военная автомобильная техника
4. Военная техника и вооружение войск ПВО
5. Военная техника и вооружение ВВС

В конкурсе могут принимать участие военнослужащие независимо от должности, воинского звания, ученой степени и места службы.

К рассмотрению принимаются проекты (сроком до 31 декабря 2006 года) с конкретно сформулированной военно-технической проблемой, допускающей экспертную оценку ожидаемых военно-научных результатов.

С условиями проведения конкурса, правилами оформления проектов и подачи заявок можно ознакомиться в Отделе планирования научно-исследовательских, опытно-конструкторских работ и серийных заказов Министерства обороны Республики Узбекистан.

На конкурс научные проекты должны подаваться в Отдел планирования НИОКР и СЗ МО РУ непосредственно или через соответствующее командование.

Победители конкурса будут награждаться сертификатом, а также единовременной денежной премией.

Прием заявок на участие в конкурсе производится до 30 мая 2006 года со дня опубликования объявления в газете.

Адрес: г.Ташкент, ул. Абдуллаева 100, Отдел планирования НИОКР и СЗ МО РУ.

Телефоны для справок: 169 86 62.

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

ҚЎРҚУВНИ ҚАНДАЙ ЕНГИШ МУМКИН?

Инсон тушиб қолиши мумкин бўлган хавфли экстремал вазиятлар, одатда, унда руҳий ва ҳиссий зўриқиш келтириб чиқаради. Нотинчлик, хавотирга тушишдан бошлаб қўрқув ва ваҳимагача бўлган ҳолатлар – булар инсон руҳий ҳолатининг кўламини белгилаб беради.

Қўрқув ҳисси ҳар бир кишига яхши таниш. У асосан хавфли вазият ва ҳолатларда юзага келади.

Қўрқув бу – салбий ҳиссий ҳолат, ўз-ўзини сақлаш инстинктининг табиий равишда намоён бўлишидир. Назорат қилинувчи қўрқув жисмоний кучларни бирлаштиради, онг ишини тезлаштиради, диққат-эътиборни жамлайди, мушкул вазиятлардан чиқиб кетишда ёрдам беради. Қўрқувни ҳис қилиш бу – ақли расо киши учун шундай табиий ва мантиқан тўғри ҳолатки, унинг бўлмаслиги ўша инсон руҳиятида қандайдир камчилик, нонормаллик мавжудлигини билдиради.

Қўрқувни бошдан кечираётган инсон кўпинча бўлиши мумкин бўлган кўнгилсизликнинг фақат тахминий эҳтимолига эга бўлади ва ана шундай, аксарият ҳолларда ишониб бўлмайдиган ёки бўрттирилган тахминлар асосида ҳаракат қилади. Қўрқув бу – аслини олганда, инсон организмининг «Диққат!» деб хитоб қилувчи сигнал тизимидир. Қўрқув, хавфга нисбатан ҳиссий таъсирланиш шаклларидан бири сифатида, нафақат инсон тушиб қолган ҳолатга, балки унинг ирода сифатларига, шайлиги ва уюшқоқлигига, вазиятга тўғри баҳо беришига, ўзига бўлган ишончига боғлиқ бўлади.

Қўрқувнинг салбий оқибатларини енгиб ўтиш учун қуйидагиларни билиш зарур:

1) Қулай жойлашиб олиб, чуқур нафас олган ҳолатда юқорига қараш ва кўзни уфқ даражасигача тушира бориб, оҳиста нафасни чиқариш ҳамда ўпкани ундан бўшатиш. Ушбу машқни бир неча марта бажариш.

2) Шу билан бир вақтда барча мушакларни (мускулларни) бўш қўйиш. Бунда шуни билиш муҳимки, киши фақат ўз нафас олишини тартибга сола олсагина, мушакларни бўш қўя олиши мумкин. Экстремал вазиятда киши бир текис ва хотиржам нафас ола бошласа, мушаклар бўшашади ва у тезда тинчланиши мумкин бўлади.

3) Вазиятга хотиржамлик билан баҳо беришга ҳаракат қилиш, диққат-эътиборни фақат энг яқин мақсадларга қаратиш. Бунда албатта ўз-ўзига ишонч ҳисси кучли бўлиши лозим. Бу ўз хатти-ҳаракатига асос яратиш имконини беради, бу эса қўрқувни енгишда ёрдам кўрсатади. Бироқ, бундай вазиятда йўл қўйилиши мумкин бўлган қуйидаги хатоларни ёдда тутиш зарур:

– ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериб юбориш;

– қатъиятсизлик, ишончсизлик кўрсатиш.

4) Ушбу ҳолатда атрофингиздаги барча нарсаларга эътибор қаратиш.

5) Ишонч, дадиллик уйғотиш учун ўз-ўзи билан суҳбатлашиш.

6) Кейинги ҳаракатларни режалаштириш.

7) Ушбу вазиятда бемаъниликдек кўринса ҳам бирон-бир жисмоний иш билан шуғулланиш, шунда руҳий осойишталик янада тезроқ тикланади.

Қўрқув ҳиссини камайтириш учун экстремал вазиятларда иродани, ўзини тута билишни тарбиялаш лозим. Бундай сифатларга муайян, аниқ ҳаракатларни онгли равишда, кўп марталаб такрорлаш, бунинг учун зарур бўлган машқларни бажариш орқали эришиш мумкин.

Қўрқувни гуруҳ таркибида енгиш анча осон кечади. Бунда энг кучли ва ҳаракатчан кишилар ибрат кўрсатиб, бошқаларнинг руҳий кайфиятини кўтаришга ёрдам берадилар.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Предоставлены права беженцев

Неожиданную развязку получило дело об угоне пассажирского самолета из Афганистана в Великобританию в 2000 году. Как передает Би-би-си, девять афганцев опротестовали в Верховном суде Великобритании решение правительства страны, отказавшего им в предоставлении политического убежища. Самолет афганской авиакомпании был захвачен во время выполнения внутреннего рейса, после чего угонщики направили его в сторону Европы. Одним из основных мотивов захватчиков было получение политического убежища для афганских граждан, не согласных с политикой правившего тогда в Афганистане движения Талибан.



Дороже Киотского протокола

Стоимость войны в Ираке для США скоро превысит предполагаемую цену Киотского протокола – международного соглашения по поводу контроля над парниковыми газами: и то и другое стоит немногим больше 300 млрд. долларов. Эти цифры показывают, что администрация Буша была чрезмерно оптимистичной в предвоенном прогнозе, оценивая суммарные расходы приблизительно в 50 млрд.



Президент Италии – Наполитано

Президентом Италии избран 80-летний пожизненный сенатор Джорджо Наполитано. Его кандидатура на высший государственный пост была выдвинута победившей в апреле на парламентских выборах коалицией во главе с Романо Проди, сообщает ИТАР–ТАСС. За кандидатуру Джорджо Наполитано проголосовало 542 из 1010 членов ассамблеи выборщиков.



О механизме финансовой помощи

Премьер-министр Палестинской автономии Исмаил Хания сдержанно прореагировал на решение международного «квартета» по ближневосточному урегулированию поручить Европейскому Союзу создать «временный механизм» по доставке прямой помощи палестинцам. Глава палестинского правительства подчеркнул, что «квартет» намерен навязать ему свои требования.



Недовольство лидерами

Рейтинг премьер-министра Великобритании Тони Блэра, который девять лет назад пришел на Даунинг-стрит с рекордно высокой поддержкой избирателей, опустился до рекордно низкой отметки в 26%. Не лучше дела обстоят и у американского коллеги. Личный рейтинг Буша достиг минимального уровня за все время президентства – 31%, сообщает сайт Inopressa.ru со ссылкой на ведущие издания США и Великобритании.



Взрыв в Таиланде

Два человека погибли, и свыше 20 получили ранения в результате теракта, происшедшего в южной таиландской провинции Паттани. По предварительным данным, взрывное устройство было спрятано в мотоцикле и приведено в действие звонком на мобильный телефон, соединенный с детонатором, сообщает ИТАР–ТАСС. Погибшими стали два буддистских учителя. Власти возлагают ответственность за происшедшее на сепаратистов. За два года сепаратистской борьбы здесь погибли более 1300 человек.



Возможна магнитная буря

В ближайшие дни Землю, возможно, накроет длительная магнитная буря. Она, скорее всего, будет малой интенсивности. «Плановую магнитную бурю» породила корональная дыра, которая с конца минувшего года уже девятый раз насылает на Землю геомагнитное возмущение. Однако солнечный ветер не приведет к такой буре, как была в середине апреля. Дыра на Солнце уже «выглядит стареющей и уменьшается». Возмущение геомагнитной активности связано не только с вспышками на Солнце.



Тоннель оказался сном


Любители порассуждать о внетелесном опыте в предсмертном состоянии, когда они якобы видели белый свет и неожиданно оказывались в другом измерении, должны узнать следующее: согласно последним научным открытиям, это был лишь сон. Речь идет о невозможности отличить реальность от мира снов. К такому заключению пришёл профессор Кевин Нельсон, невролог, проводивший исследования в данной области, пишет «La Stampa».

(www.NEWSru.com).

Ҳарбий техника шарҳи

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОНЛАР УЧУН «БАЛ»

Жорий йилда Россия армияси янги «Бал-Э» русумидаги ихчам қирғоқ ракета комплекси билан таъминланади. Ушбу янги қурол ҳозирда фойдаланилаётган «Рубеж» русумли ракета комплексини тўлиқ алмаштиради. Дастлабки ракета қурилмалари Камчаткага етказиб берилади.





Муҳим аҳамиятга эга бўлган қирғоқ зоналари, порт иншоотлари, ҳарбий денгиз базалари ва бошқа қирғоқ ҳудудларини ҳимоя қилиш тизимларини яратиш масалалари қадимдан мудофаанинг таркибий қисмларидан бири сифатида ҳал этилиб келинади. Ўтган ва ундан аввалги асрлардаги денгиз флотлари тарихига назар ташласак, бундай тизимлар ривожланган фортификацион (ҳарбий-инженерлик) иншоотлар базасида яратилганлиги ва қудратли артиллерия қурилмалари билан жиҳозланганлигига гувоҳ бўламиз.

Бироқ, асосини юқори аниқликка эга бўлган қуроллар ташкил этувчи ҳозирги замонавий зарба бериш воситалари учун бундай тизимлар заиф ҳисобланади ва шу сабабли улар ўтмишда қолмоқда. Уларнинг ўрнига кутилмаган йўналишдан душман кемаларига аниқ ва кучли зарба бериш ҳамда ўз позициясини тезлик билан ўзгартириб, яна қақшатқич зарба беришга қодир бўлган ихчам ва ҳаракатчан мудофаа тизимлари келмоқда. Бўғоз зоналари ва ҳудудий сувларни назорат қилиш, ҳарбий денгиз базалари, қирғоқ объектлари ва ҳудудларини ҳимоя қилишга мўлжалланган «Бал-Э» қирғоқ ракета комплекси ана шундай тизимларга тааллуқлидир. У юқори ҳаракатчанлик, зарурий қудрат ва зарба бериш аниқлигига эга. Унинг таркибига ўзиюрар бошқарув ва алоқа қўмондонлик пункти (СКПУС), ўзиюрар ишга туширии қурилмаси (СПУ), транспорт – ишга туширии контейнерларига жойлашган кемага қарши ракеталар ва қайта ўт очишни шакллантириш учун мўлжалланган транспорт – юк ортиш машинаси киради.

Тунги кўриш асбоблари, навигация, топографик боғланиш ва ориентация (турган жойини аниқлаш) аппаратуралари комплексга жанговар вазифани бажаришга тезлик билан тайёр бўлиш имконини беради. «Бал-Э»нинг янги позицияга ўрнашиш вақти 10 дақиқани ташкил этади.

Кам тоннажли кемаларга қарши ҳаракат қилишда ўт очиш якка ракеталар билан амалга оширилиши мумкин. Йирик кемаларга (эсминец ва ҳ. к.)га қарши ҳаракат қилишда эса бундай иш тутиш душманнинг жанговар имкониятларига айтарли зарар етказа олмаслиги яхши тушунарли. Шу сабабдан конструкторлар потенциал душман ҳаётини ўта оғирлаштиришга ҳаракат қилишган. «Бал-Э» комплексининг ўт очиш зарбаси 3 сониядан ортиқ бўлмаган интервалда 32 ракетадан, юқори жанговар комплектни ҳисобга олганда эса 64 ракетадан иборат! Бир сўз билан айтганда, ғаним бундай қурол билан курашишга киришишдан авval яхшилаб ўйлаб кўришига тўғри келади.

Бундан ташқари, «Бал–Э» комплекси душманнинг кўп турдаги денгиз бўйлаб ҳужум қилиш воситаларига самарали қаршилик кўрсатиш имконини берувчи бир қатор бошқа устунликларга ҳам эга. СКПУС томонидан амалга оширилувчи ўт очишнинг марказлашган бошқаруви иншоотларни аниқлаш ва уларни СПУлар (ўт очиш қурилмалари) ўртасида тўғри тақсимланишини таъминлайди. Бунда актив (фаол) ва пассив режимларда ишловчи, юқори аниқликка эга бўлган иншоотларни радиолокацион аниқлаш каналлари денгиздаги сув усти иншоотларини яширин топиш, таснифлаш (классификация қилиш) ва кузатиб бориш имконини яратади. Тезкор (оператив) маълумотларни бошқа қўмондонлик пунктлари, разведка ва иншоотни аниқлаш воситаларидан олиш имконияти ҳам кўзда тутилган. Бошқача айтганда, «Бал–Э» мустақил жанговар бирлик сифатида ҳаракат қилиши ҳам, марказлашган мудофаа тизими таркибига кириши ҳам мумкин.

Комплексда Х-35Э (3М–24Э) русумли кемага қарши ракетадан фойдаланилади. Ушбу ракета 5000 тоннагача сув сиғимига эга бўлган жанговар сув усти кемалари ва денгиз транспортларига зарба бериш учун мўлжалланган.

Х–35Э (3М–24Э) ракетаси оддий ва мураккаб об-ҳаво шароитларида, кундузи ва кечаси, душманнинг ўт очиш ва радиоэлектрон қаршилик кўрсатиши шароитларида қўлланилиши мумкин. Кичик ўлчамлари, учиш траекториясининг ўта кичик баландлиги, шунингдек, нишонга тўғриланишининг махсус алгоритми ракетанинг ўта кичик даражадаги сезилмаслигини таъминлайди.

Интерфакс – АВН маълумотига кўра, комплекснинг давлат синовлари 2004 йилда якунланган. Ҳозирда «Бал-Э» тегишли равишда расмийлаштиришдан ўтмоқда. Ушбу янги техника барча тўрт флотнинг қирғоқ қўшинлари қуроллари таркибига етказиб берилади.

«Бал-Э» комплексининг тактик-техник тавсифлари: ўт очиш узоқлиги – 120 км.гача; ҳар бир СПУ ва ТТМ учун ракеталар миқдори – 8 тагача; максимал юриш тезлиги: шоссе бўйлаб – 60 км/соат, йўлсизлик бўйлаб – 20 км/соат; юриш захираси (қайта ёқилғи қўйишсиз) – 850 км.гача.

«Красная звезда» газетасидан М.САЙДИВАЛИЕВ таржимаси.

ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Ҳарбийлар оиласи

ДИЛ УСТУНИ

Оила деган қўрғон, оила деган ватан мустаҳкам бўлса, қадамингдан гул унади, қаддинг тик юрасан, сўзингда хуш садо бўлади. Энг муҳими, ишингда барака бўлади. Шу боис, ҳар бир йигит ўзига муносиб умр йўлдош танламоғи керак.

Ифтихор мактабда ўқиб юрган чоғлариданоқ ўз олдига ҳарбий бўлишни мақсад қилиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам мактабни тамомлагач, ҳеч иккиланмай ҳужжатларини олий ҳарбий билим юртига топширди. Ҳарбийлар «курсантлигим–хурсандлигим» дейишади. Студент учун талабалик – олтин давр бўлса, курсант учун билим юртида ўқиб ўрганган пайтлари — олтин даври-да. Тўрт йил узоқ муддатдай туюлса-да, тезда ўтиб кетади. Ана шу муддатдан унумли фойдаланган, ҳарб илмини пухта ўрганган курсант етук офицер бўлади.

Офицер Ифтихор Баратов ўз хизмат фаолиятини мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бошлади. Билимдон, куч-ғайратга тўла Ифтихор миллий армиямиз сафида астойдил хизмат қила бошлади.

Ота-она учун ўғлини уйлантириш ҳамиша муҳим вазифа ҳисобланган. Ифтихорнинг ота-онаси ҳам ана шу вазифани бажариш учун бир неча бор унга:

– Ўғлим, мана бир касбнинг этагини тутдинг, Ватан ҳимоячиси бўлдинг. Энди бошингни иккита қилиб қўйсак, кўнглимиз анча тинчирди, – дея гап солишди.

Офицер Ифтихор Баратов Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Баҳрин қишлоғидан. Марғуба Маликова эса шу туманнинг Кенагас қишлоғидан. Икки ёш бир-бирини топишди, бир-бирига ёқишди. Севишганлар бир қарорга келишгач, Ургутда бир тўй бўлдики...

Мана, бугунги кунда уларнинг иккаласи ҳам ҳарбий, Ифтихор – офицер, Марғуба – шартнома бўйича хизмат кичик сержанти. Баширжон, Гули исмли ширин-шакар фарзандлари бор.

–Катта бўлсам, дадамдай офицер бўламан, – дейди Баширжон.

–Мен эса аямдай сержант бўламан, – дейди Гули.

«Муҳаббатдан ўзгаси дилга устун эмасдир», деб ёзади шоир. Муҳаббатни дилига устун деб билишган офицер Ифтихор Баратов билан унинг турмуш ўртоғи Марғуба Маликова хизматда ҳам, оилани бошқаришда ҳам бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Шартнома бўйича
хизмат кичик сержанти
Зулфия НУРУЛЛАЕВА.

MAQTANCHOQLIK OQIBATI

Avvalo tanishib olaylik. Lsmim Murodjon. Kamina “Kimsan” zavodi direktorining o‘g‘liman. Yoshim 10 da. Endi bemalol gaplashsak ham bo‘laveradi. Kunlarning birida do‘stlarim bilan odatdagidek maktabdan uyga qaytayotgan edik, gapdan-gap chiqib, Salim suyinib dedi.

– Bilasizlar-mi, dadam oldin kolxozda tegirmonchi edi. Endi bo‘lsa zavodga ishchi bo‘lib ishga kirdi.

– Voy, buncha yaxshi, – dedi Bobur. Qolgan o‘rtoqlarim ham Salimni tabriklashdi. Mening bo‘lsa boshimdan olov chiqqandek:

– Hm... sening dadang oddiy ishchi. Mening dadam esa o‘sha yerda boshliq, tushunding-mi? – dedim.

Hamma birdaniga menga qaradi.



Salimning yuzi qizarib, xijolat tortdi. Bizni kuzatib turgan 80 ga borib qolgan bog‘bon Ahmad ota yoniga chaqirdi. Salom-alikdan so‘ng:

– Bolalar, yuringlar huv anavi yakka tutni soyasiga borib o‘tiraylik. Men sizlarga bir hikoyani so‘zlab beraman, – dedilar.

Bundan ancha yil ilgari maktab yaqinida simyog‘och bo‘lar va uning yonida esa ikki tup atirgul o‘sardi. Ularning biri oq, biri esa qizil edi. Jazirama kunlarning birida qizil atirgul oq atirgulga yuzlanib dedi:

– Hoy, oq atirgul, buncha xunuk bo‘lmasang. Barglaring ham qovjiragan. Menga qaramaysanmi? Shunday go‘zal, lovillaganman.

Oq atirgul qizil atirgulning gaplaridan uyalib yerga qaradi. Lekin u aytganchalik xunuk emasdi. Ammo ayni paytda quyosh issig‘iga dosh berolmay kasallangan edi. Shu payt sho‘x-shodon o‘ynoqi qizcha bog‘da o‘ynab yirib:

– Voy, anavi qizil atirgulni qarang. Bunchalar ko‘zni qamashtirmasa, – dedida gullagan shoxidan uzib ketdi. Qizcha atirgulni uyiga olib borgunicha so‘lib qoldi. Shuning uchun uni yerga tashlab yubordi. Bechora qizil atirgul odamlar oyog‘i ostida xor-zor bo‘ldi va jazosini oldi. Oq atirgulning so‘liyotganini ko‘rgan maktab qizlari esa tagini yumshatishdi. Suv quyishdi. Oq atirgul bir hafta deganda yashnab, yangi-yangi g‘unchalar tuga boshladi. Qizil atirgulning poyasi bo‘lsa, oq atirgulga kuya-kuya so‘lib qoldi. Xo‘sh, bolalar hikoyam sizlarga yoqdimi? – deb so‘radi otaxon.

– Hikoyangiz hammamizga, ayniqsa menga o‘rnak bo‘ldi. Endi maqtanmayman, kibru-havoga berilmayman. Yo‘qsa qizil atirgul holiga tushib qolishim mumkin, – dedim.

Salim o‘rtog‘imga qarab:

– Meni kechir, kechiringlar, – dedim yuzimdan olov chiqib. Hamma meni kechirdi. Salim bilan yarashdik. Otaxon ham xursand bo‘ldilar.



Бувижоним, аяжоним — қалбим қуёши!

ТАЪМАГИР

Соли боғчага қатнай бошлади, унинг севимли ўйини «дўхтир-дўхтир» эди. У ясама шприц билан болаларга укол қилишни, врачларга ўхшаб, «Қани, оғзингни оч! А-а дегин, тилингни кўрсат!» дейишни яхши кўрарди. Болаликдаги бу ҳавас уни улғайганда врач бўлишга ундади. Солини интернатурани ўтаган жойда ишга олиб қолишди. Кўп ўтмай «қўли енгил жарроҳ» деб атай бошладилар. Бу орада ота-онаси уни уйлантиришди.

Бир куни «Тез ёрдам» машинасида кекса онахонни олиб келишди. Соли беморни кўрдию зудлик билан операцияга тайёрлаш кераклигини айтди. Операция хонасидан юзларидаги терни артганча чиқиб келаркан, унинг йўлини башанг кийинган йигит тўсди.

– Ассалому алайкум, дўхтир. Сизда гапим бор эди.

Соли уни хонасига бошлади.

– Мамашкамнинг аҳволи тузукми? Соғайиб кетадими? – дея сўради стулга омонатгина чўккан йигит.

– Ҳа, вақтида олиб келибсизлар. Яхши бўлиб кетади, – деди Соли унга жавобан.

– Унда манавини олиб қўйинг. Қўл ҳақингиз. Камига қарздормиз, – дея йигит унинг столига конвертга солинган пулни қўйди.

Соли бир зум қотиб турди-да.

– Нима, бу сенга бозорми? Онангнинг соғлиғини пулга чақаяпсанми? Ҳозироқ хонани бўшатиб қўй, – деди жиддий қиёфада.

– Кечирасиз, билмабман, кечирасиз! Ахир ҳозир ҳеч ким текинга иш қилмайдида ака! Мени ҳам тушунинг. Хафа қилган бўлсам, узр-узр, – дея йигит орқасига тисарила-тисарила хонадан чиқиб кетди.

Эртаси куни у тижорат билан шуғулланадиган жўраси Неъматникига борди.

– Зап вақтида кепсанда. Қайнонанг яхши кўраркан. Ҳозиргина паловхонтўрани келининг сузмоқчи бўлиб турувди.

– Қайнонам мени яхши кўрмаса, қизини берармиди?

Икковлари қаҳ-қаҳ отиб кулишди.

– Одамларнинг ичак-чавоғини кавлайвериб, бирон нарса топдингми?

– Қўйсанг-чи, жўра. Қаёқдаги гапларни гапирасан-а.

– Ўзиям бир кун уларни кавламасанг, хумори тутса керак-а!

Ўзинг-чи? Шиғир-шиғир қилиб, пул санашдан зерикмадингми? Бир кун пул санамасанг, уйқунг келмаса кераг-ов!

– Пулни жигардан бўлган дейишади. Соғиниб қоламан. Биласанми, болалигимдан пулни яхши кўраман. Эҳ, сенинг ўрнингда бўлганимда ҳозир бойиб кетган бўлардим.

– Қандай қилиб?

– Калланг ғиж-ғиж ақл-у, аммо пул топишнинг йўлларини билмайсан. Ахир кунига қўлингдан қанча операциялар ўтади. Сенинг ўрнингда бўлганимда ҳар бир операцияга нарх қўйган бўлардим. Кейинроқ кўкига ўтардим.

– Жиннимисан? Биз ахир қасамёд қилганмиз-ку!

– Ҳозир қасамёдга бало борми? Ким ҳалол ишлаяпти? Бугунги кунда пулинг бўлмаса, ҳеч ким эмассан, тушундингми? Замон шунақа, жўра, замон.

Ўша куни Неъмат сайрайвериб Солини пул олишга ундади. Беморларнинг яқинларига қандай шаъма қилишни ўргатди. Соли ўла қолса ҳам бу ишни қилмасдику-я, аммо яқинда укасини уйлантиришмоқчи. Онаси хонандаларни сен олиб келасан, деган. Бугунги кунда фалон қўшиқчи фалонча кўкига келаркан. Маошини эса орттиролмайди. Хуллас боши қотди. Неъматдан маслаҳат сўради. У пора олишни катта ҳамшира орқали қилиш кераклигини тайинлади. Ноилож Соли ўзи билмаган ҳолда таъмагирликни бошлади. Тушган пул иккига бўлинадиган бўлди. Бир амаллаб укасининг тўйини ҳам ўтказишди. Ҳамшира Солининг «ўнг қўли»га айланди. Гоҳида беморларни кўриб, ортидан келганларга дарҳол қанча олиб келишларини айтиб юборадиган одат чиқарди. Бир куни Солини Неъмат ўғлининг туғилган кунига чақирди. Ўша куни у навбатчи эди. Ҳамширага жўрасининг уй телефон рақамини қолдириб, бирровга бориб келаман, дея кетди. Ярим соатдан сўнг ҳамшира қўнғироқ қилди. Гўшакни Неъмат олди ва Солининг ўрнига ўзи жавоб берди.

– Бунақа пайтда аммалар ҳам кўпайиб қолади. Орқасидан келганларга айтаверинг. Кўкидан олиб келишсин. Пулни олиб келгандан сўнг операциясини қилаверади.

Неъмат шундай дея, гўшакни жойига қўйди. Бироздан сўнг телефон яна жиринглади. Гўшакни Соли олди.

– Алло, Соли ака! Сизмисиз?

– Ҳа, менман. Нима бўлди?

– Тез етиб келинг. Беморнинг аҳволи оғир.

– Ваҳима қилманг, ҳозир етиб бораман.

Шу пайт гўшакни Неъмат Солининг қўлидан олди:

– Айтилган пулни олиб келишдими? Тезроқ ҳаракатларини қилишсин!

Соли кетишга ошиқди. Ноилож қолган Неъмат уни кузатиб қўйди. У беморни кўрмасдан, ҳамширанинг айтган ташхисига кўра, уни операцияга тайёрлашни буюрди. Бир зумда барча жарроҳлик столи атрофига йиғилди. Беморни кўриб, Солининг бошидан ҳуши учай деди. Бемор – уни болалигида қўлларида кўтариб, катта қилган, севимли аммаси Моҳигул опа эди. Солининг қўллари титраб кетди. Дарҳол операцияга киришди. Аммо операция муваффақиятсиз чиқди. Бемор кўзини очмади...

– Бундай бўлиши мумкин эмас! Йўқ, Йўқ! Амма, аммажон! Кўзингизни очинг! – дея Соли телбаларча беморни силкитарди. Ҳамкасблари уни зўрға хонасига олиб киришди. У бошини чангаллаганча алам билан йиғларди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи.

Тест

ТУШЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ

Туш аслида кўнглимиздан кечаётган ўй-хаёлларнинг инъикоси. Агар уларни тўғри таъбир қила олсак, кўп муш-кулларимиз осон бўлиши мумкин. Қуйидаги тест айнан шунга ёрдам беради.

1. «Уйқу» деганда хаёлингизга биринчи келадиган фикр?

а) тинчлик, дам олиш, ҳимояланганлик (1 балл);

б) бу мавзу менда муаммолар билан уйғунлашиб кетган (3 балл);

в) шу сўзни эшитсам, эснай бошлайман (2 балл).

2. Уйқунгизда кулиб юборганингиздан уйғониб кетган пайтларингиз бўлганми?

а) буни тасаввур ҳам қилолмайман (3 балл);

б) шунақа бўлиб туради, бунда нафақат ўзим, атрофдагилар ҳам чўчиб уйғониб кетишади (1 балл);

в) бир-икки марта бўлган (2 балл).

3. Сўнгги вақтларда тушингизга кўпроқ нималар кираяпти?

а) ечимини кутаётган муаммоларим (3 балл);

б) мен мулоқотда бўладиган одамлар ва кундалик воқеалар (2 балл);

в) болалик ва ўсмирлик йилларимдаги танишларим (1 балл).

4. Нотаниш киши сизни таъқиб этаётгани тушингизга кирса, буни қандай таъбир қиласиз?

а) муҳим қарор қабул қилишдан қўрқаётганим учун шундай туш кўргандирман (3 балл);

б) кўпдан бери мени қийнаб келаётган муаммога ишора (1 балл);

в) виждон азобида қийналаётганимнинг оқибати (2 балл).

5. Тушингизга тез-тез ўргимчак ва илонлар кириб турадими?

а) бунақасини эслолмайман (1 балл);

б) кирган, фақат қачонлиги эсимда йўқ (2 балл);

в) ҳа (3 балл).

6. Жамоат жойида устбошсиз юрганингиз тушингизга кирганидан уйғониб кетдингиз. Шунда ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

а) мен ўзимни фош этилган ва уялтирилгандай ҳис қиламан (2 балл);

б) эркин ва енгил (1 балл);

в) бундай туш мени ҳаяжонлантиради, шу билан бирга озроқ ҳайрон ҳам қолдиради (3 балл).

Тўплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг.

6–9 балл. Ўтмишдаги воқеалар тушингизнинг асосини ташкил этади. Эҳтимол, ҳаётингизда янги давр бошланаётгандир. Шу боис, ўтмиш хотираларини унутиш керак. Ахир ўтган нарса қайтмайди-ку!

10–14 балл. Тушингизга кўпроқ сиз интилаётган нарсалар кираяпти. Эрталаб биринчи навбатда тушнинг мазмунига эмас, у сизга қандай таъсир қилганига эътибор қаратинг. Шунда кўнглингизнинг тубидаги сирли орзулар ва истакларингизга етишиш йўлини топсангиз, ажабмас.

15–18 балл. Ҳар кунги асаббузарликлар, жисмоний зўриқишлар тушингизда акс этаяпти. Шу боис, бу тушларга эътиборсиз бўлманг. Муаммолар ўз йўлига, лекин одам дам олиши, ҳаётдан лаззатланиб яшаши ҳам керак-ку! Шуни унутманг.

ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ



МОЛОКО И МЕД ПРОТИВ МИГРЕНИ

Скорее всего, болезненные спазмы у вас возникают от сильного нервного напряжения. Чтобы успокоиться, выпейте на ночь стакан теплого молока с чайной ложкой меда. Целебный напиток обеспечит организм кальцием, недостаток которого усиливает мышечный спазм и возбудимость клеток головного мозга. Выпив молоко, лягте в постель, подложив под голову и колени свернутые валиком одеяла.

Если спазм не проходит, попробуйте массировать голову движениями обеих рук от лба к затылку. Можно вдыхать смесь камфорного и нашатырного спирта, взятых в равных частях. Помогают холодные ингаляции с ароматическими маслами (эвкалипта, мяты, сосны) и теплый чай с мятой.

ЯДРЕНЫЙ КОКТЕЙЛЬ ДЛЯ ВОЛОС

Вам поможет настойка жгучего перца. Мелко порежьте его, залейте 100 мл водки и настаивайте неделю. Перед применением разведите водой в соотношении 1:10 и аккуратно втирайте в кожу головы, избегая попадания в глаза. Благодаря жгучему эффекту усиливается кровоснабжение волосяных фолликул, и волосы меньше выпадают.

ДЕТСКИЙ ЛЕКАРЬ – ЧЕРЕДА


У вашего ребенка часто краснеет и шелушится кожа. Как справиться с этими неприятностями?

Попробуйте купать ребенка в ванне с добавлением настоя череды. Залейте 2 столовые ложки сырья стаканом кипятка и поставьте на кипящую водяную баню на 15 мин. Настояв 40 мин., процедите. На одну процедуру понадобится не менее 500 мл настоя. Ежедневные ванночки быстро улучшат состояние кожи.

ЕЩЕ РАЗ О ПОЛЬЗЕ МОРКОВНОГО СОКА

Если каждое утро выпивать по стакану свежевыжатого морковного сока, вы всегда будете выглядеть бодрыми и отдохнувшими. В моркови есть вещества, обладающие лечебным свойством. Они улучшают работу печени, мочевого пузыря и желудочно-кишечного тракта. Также морковь богата витамином А, который очень полезен для глаз. А для лучшей усвояемости в сок добавляют сливки.

ЁНҒОҚЛИ ТОРТ




Хамири учун: 75 г. шоколад, 3 та тухум, 50 г. сариёғ, 50 г. шакар, 50 г. ун, 50 г. майдаланган ёнғоқ.

Креми учун: 100 г. шоколад, 500 мл. қаймоқ, 2 ош қошиқ шакар, 1 ош қошиқ какао ва қанд упаси.

Хамирга қўшиш учун шоколад сув ваннасида (кичик идишдаги шоколад идиши билан каттароқ идишда қайнаётган сувга солиб) эритилади. Шакар, туз, ёғ, тухум яхшилаб аралаштирилиб, эритилган шоколад қўшилади. Кейин эса ун ва майдаланган ёнғоқ қўшилиб хамир қорилади. Хамирни қолипга қўйиб, 40 дақиқа ўртача оловда пиширасиз.

Крем учун ҳам шоколад сув ваннасида эритилади. 300 г. қаймоқни шакар билан кўпиртиринг. Қолган қаймоқ эритилган шоколадга қўшилиб, безак учун ишлатилади. Тайёр пирог совутилиб, қаймоқли крем суртилади. Торт устини шоколадли кремдан гуллар қилиб безаб чиқинг.

ХУШБЎЙ САЛАТ



Маҳсулотлар: 2 дона бош пиёз, 4 та помидор, 1 та бодринг, 4 ош қошиқ ўсимлик мойи, 200 г. пишлоқ, туйилган қора мурч, бир боғ салат барги, таъбга кўра қалампир, кашнич шохчалари.

Тайёрланиши: пиёзлар юпқа ҳалқа шаклда тўғралади. Помидор ва бодринг юпқа, паррак-паррак қилиб кесилади. Аччиқ қалампирни майда-майда қилиб, пишлоқни эса сомонча шаклида тўғраймиз. Идишда сабзавотлар ва пишлоқ аралаштирилиб, ўсимлик мойи қуйилади. Кашнич ва салат баргларининг бир қисми майда тўғралиб, туз ва мурч билан масаллиққа сепилади.

Қолган салат баргларини безашда ишлатамиз, яъни ликопчаларга қўйиб, устидан тайёр бўлган салатимизни соламиз.

15 МАЙ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 15 май куни «O‘zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Йигит кўнгли». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.50 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади:
17.40 ТВ-анонс.
17.45 «Меҳр қолур».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Меҳробдан чаён». Видеофильм. 1-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Олтин мерос.
22.00 «Йигит кўнгли». Телесериал премьераси.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Япониянинг ёввойи табиати».
23.45 Тунги наволар.

ЁШЛАР

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 Болажон.
16.35 Кино SMS.
16.20 «Финист – сарлочин». Бадиий фильм.
17.35 SMS-кинотанлов.
17.40 Ёшлар овози.
17.55 Билганингиз фойда.
18.10 Олий лига кундалиги.
18.25 Ёшлик наволари.
18.45 UzEX хабарлари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 SMS-кинотанлов.
19.45 UzEX хабарлари (инглиз тилида).
19.55 Кино SMS.
20.00 Спортлото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 Ракурс.
20.45 UzEX хабарлари (рус тилида).
20.55 SMS-кинотанлов.
21.00 Оқшом таронаси.
21.10 Анонслар.
21.15 Паловхонтўра!
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Кино SMS.
22.40 Мусиқий лаҳза.
22.45 «YOSHLAR»да спорт дастури: Интерфутбол.
